

ОНЛАЙН
НАЗОРАТ-КАССА
МАШИНАЛАРИ ВА
ВИРТУАЛ КАССА
ТИЗИМИНИНГ
ҚАНДАЙ
АФЗАЛЛИКЛАР
БОР?

ҚОНУНЧИЛИК
ЯНГИЛИКЛАРИ

БАНК ҚАРЗ
ОЛУВЧИНИНГ
СУҒУРТА
КОМПАНИЯСИНИ
ТАНЛАШ
ҲУҚУҚИНИ
ЧЕКЛАМАЙДИ

БАНК ВА МИЖОЗ

“ТУРОНБАНК”
АТБ
КРЕДИТИ
ЯНГИ “МЕЛЕК”
БРЕНДИ
ЯРАТИЛИШИГА
АСОС БЎЛДИ

ХУДУДЛАРДАН
ДАРАКЛАР

ЮРТ
РИВОЖИГА
КАМАРБАСТА
БАНК

РЕЙТИНГ

ХАЛҚАРО
ВА МИЛЛИЙ
РЕЙТИНГ
АГЕНТЛИКЛАРИ
– ҲАМКОРЛАРМИ
ЁКИ РАҚОБАТЧИ?



ДУНЁГА
НИГОХ

РОССИЯ
БАНКЛАРИ
НИМА САБАБДАН
ЕВРОНИ
КЎП ХАРИД
ҚИЛМОҚДА?

БУ
КИЗИК

СУПЕР
КОМПЬЮТЕРЛАРГА
ЭГА ЁН МАМЛАКАТ



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 46 (1225)

2019 ЙИЛ 28 НОЯБРЬ

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602



t.me/financeuz

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



МАРКАЗИЙ БАНК ИНФЛЯЦИЯНИ ПАСАЙТИРИШ ҲАРАКАТИДА



Жорий йилнинг 26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида “Инфляцион таргетлашга ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг 2020 йил ва 2021-2022 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов, Молия вазири ўринбосари Аҳадбек Хайдаров, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Илхом Норқулов, Иқтисодиёт ва саноат вазирининг биринчи ўринбосари Олимхон Рустамовлар иштирок этди.

Тадбирда қайд этилишича, Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг 2020 йил ва 2021-2022 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари ишлаб чиқилди. Мазкур йўналишлар Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит си-

ёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ амалга оширилган.

Жорий макроиктисодий ҳолат, жумладан, инфляциянинг амалдаги динамикаси ва прогноз кўрсаткичлари, шунингдек, барқарор ва мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлаш зарурияти Марказий банк томонидан нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича аниқ ва янада таъсирчан чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан Марказий банк томонидан асосий эътибор таркибий ислохотларнинг янги босқичига ўтиш даврида инфляцион таргетлаш режимини фаол тадбиқ этиш орқали пул-кредит сиёсати шароитларини белгилашга қаратилди. Бунда 2023 йилдан инфляциянинг 5 фоизлик доимий мақсадли кўрсаткичи (таргети); 2021 йилда инфляцияни 10 фоизгача пасайтириш мақсади белгиланди.

(Давоми 2-саҳифада)



Лондон фонд биржасида листингга киритилган ва халқаро капитал бозорларида сотувга чиқарилган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги халқаро облигациялари инвесторлар томонидан юқори баҳоланди.

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИНИ КОРПОРАТИВ ЭМИТЕНТЛАР УЧУН ОЧИБ БЕРДИ

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда хусусий, шу жумладан хорижий инвестицияларни, республикадаги лойиҳаларга кенг жалб қилиш учун халқаро капитал бозорлари муҳим рол ўйнайди. Бу борада жорий йил февраль ойида мамлакатимиз тарихида илк бора Ўзбекистон Республикасининг 1 миллиард АҚШ доллари тенг суверен облигацияларининг халқаро капитал бозорларида муваффақиятли жойлаштирилиши юртимиздаги тижорат банклари ва корхоналар учун янги имконият яратди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан корпоратив халқаро облигациялар чиқариш бўйича JP Morgan, Citigroup, Commerzbank, Raiffeisen Bank сингари халқаро инвестиция банклари (молиявий консултантлар) тавсиялари асосида тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Жорий йилнинг 18-22 ноябрь кунлари Цюрих, Франкфурт ва Лондон шаҳарларида олтимизга яқин инвесторлар билан учрашувлар ва музокара-лар бўлиб ўтди.

(Давоми 3-саҳифада)

“АГРОБАНК”ДАН ЯНГИ “ОНЛАЙН КРЕДИТ”

“Агробанк” АТБ республикада биринчилардан бўлиб юридик шахслар учун янги хизмат тури – “Онлайн кредит”ни амалиётга киритди. Ушбу маҳсулот ўзининг қатор қулайликлари билан тадбиркорлар орасида оммабоп бўлиши кутилмоқда.



Жорий йилнинг 25 октябрида Банк тизимини ислох қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев банкларнинг мижозга йўналтирилган, аҳолининг кенг қатламига мўлжалланган хизматларини кўпайтириш ҳамда кредитлаш тартибини соддалаштириш бўйича топшириқлар берганди. Шунингдек, йиғилишда онлайн ва мобил алоқа орқали хизмат кўрсатиш, чет элларда кенг тарқалган “скоринг” ва автоматлаштирилган модулли кредит ажратиш тизимини кенгайтириш зарурлиги қайд этилган эди.

(Давоми 3-саҳифада)



МАРКАЗИЙ БАНК ИНФЛЯЦИЯНИ ПАСАЙТИРИШ ҲАРАКАТИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Келгуси йилларда инфляциянинг доимий ва оралиқ таргетига эришишга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб олиш учун асосий йўналишларни ишлаб чиқишда иқтисодий ривожланишнинг жорий динамикасини сақланиб қолиниши, таркибий ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг бироз секинлаши каби омилларга асосланган.

Иқтисодий ривожланишнинг асосий сценарийсига кўра 2020 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг реал ўсиши 5,2-5,5 фоизни ташкил этиши, 2021-2022 йилларда 5,5-5,8 фоизгача тезлашиши прогноз қилинмоқда. Бунда, тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратиладиган кредитлар қолдигининг ўсиш суръатлари ЯИМ номинал ҳажмини ўсиш суръатларига мутаносиб равишда, жумладан, 2020 йилда 20-25 фоиз атрофида (валюта курси ўзгаришларини ҳисобга олмганда) бўлиши кутилмоқда.

Солиқ-бюджет соҳасида умумий фискал баланс тақчиллигининг маълум миқдорда қисқариши ҳамда давлат ташқи қарзининг белгиланган параметрлар доирасида шаклланиши кутилмоқда. Умумий фискал баланснинг 2020 йилда ЯИМга нисбатан 2,7 фоиздан ошмаслиги, 2022 йилга қадар босқичма-босқич 1,5 фоизгача пасайиб бориши ва келгуси йилларда ушбу даражада сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда.

Қатъий пул-кредит сиёсати юритилиши ва фискал баланс тақчиллигининг қисқариб бориши шароитида хусусий ва хорижий инвестициялар ҳажмининг ошиши иқтисодий ўсишнинг прогноз кўрсаткичларига эришилишига хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра келгуси йилларда тўлов баланснинг жорий операциялар ҳисобварағи манфий сальдоси ЯИМга нисбатан 2020 йилдаги 7 фоиздан 2022 йилда 5,9 фоизгача пасайиб боради.

Ушбу тақчилликнинг, асосан ташқи молиявий манбалар, хусусан, инвестицион ресурслар ҳисобидан қопланиб бориши натижасида валюта алмашув курсига сезиларли девальвацион босимни юзага келтирмаслиги кутилмоқда.

Марказий банкнинг прогноллаши бўйича йиллик инфляция даражаси 2020 йил охирида 12-13,5 фоиз оралиғида бўлиб, 2021 йилда бир хонали сон даражасига тушади ва 2023 йилда эса, асосий 5 фоизлик таргетга эришилади.

Марказий банк раисининг қайд этишича, Марказий банк ҳар қандай вазиятда ҳам инфляцияни пасайтиришни ва паст даражада ушлаб туришни мақсад қилган. Пул-кредит сиёсатининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган асосий йўналишларида ҳам шундан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар қўйилган:

1) Марказий банк операция механизми такомиллаштирилади. Банк тизими ликвидлилигини янада самарали бошқариш мақсадида Марказий банкнинг асосий ставкаси, фоиз коридори, ликвидлилиги бошқариш инструментлари (қисқа муддатли депозит ва кредит операциялари) муомалага кирилади.

2) Ички валюта бозорини янада ривожлантириш чоралари қўрилади. Илгари таъкидлаганимиздек, валюта курси тўла бозор механизмлари асосида шаклланаётган. Энди, тижорат банкларининг валюта бозоридаги фаоллигини янада ошириш ва босқичма-босқич Марказий банк иштирокисиз мустақил савдолар олиб бориш тизимига ўтилади. (2018 йилда – 21,4 фоиз, 2019 йилда – 43,6 фоиз)

Шунингдек, валюта курси билан боғлиқ хатарларни олдини олиш учун халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган ҳосилавий инструментларни (своп, опцион ва фьючерсларни) жорий этиш мўлжалланган.

3) Марказий банкнинг таҳлилий-прогноллаш салоҳиятини ошириш борасида макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил ва про-

гноз қилиш бўйича замонавий моделларни ишлаб чиқиш жорий этилади. Бу орқали, иқтисодиётимизнинг ҳолати ва ўрта муддатли ривожланиш истиқболларини прогноллаш имконияти вужудга келади.

4) Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларини ўрганишни йўлга қўйди. Бундан тақомиллаштирамиз. Биз учун энг муҳими, жамоатчилик фикри, чунки улар иқтисодиётда жамғарма ва истеъмол ҳажмларини, нархларни белгилайди.

5) Келгуси йилларда Марказий банкнинг коммуникация сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва оммавий ахборот воситалари билан янада фаол ишлаш чоралари қўрилади.

Умуман олганда, келгуси 3 йилда қилишимиз зарур бўлган ишлар, вазифалар жуда кўп. Уларни босқичма-босқич самарали амалга оширишимиз инфляцияни пасайтириш учун жуда муҳим, – деди Марказий банк раиси М.Нурматов ўз сўзида.

Шунингдек, иқтисодий шароитларнинг жорий тенденциялари сақланиб қолиб, асосий савдо ҳамкор давлатлар иқтисодиётида кескин ўзгаришлар юзага келмайди ҳамда асосий экспорт товарлар нархлари ва транс чегаравий пул ўтказмалар ўсишининг ижобий динамикаси сақланиб қолади.

Таҳлилларга кўра, инфляция бўйича доимий мақсадли кўрсаткичга эришиш мақсадида пул-кредит сиёсатининг қатъий шароитлари сақланиб қолинади ва бунда иқтисодиётда ижобий реал фоиз ставкалар таъминланади.


Тадбирда келгуси йилларда монетар-фискал ва таркибий сиёсат соҳасидаги ислохотларни самарали мувофиқлаштириш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатларни кучайтирилиши билдирилди.

Анжуманда Марказий банк, Молия вазирлиги мутасаддилари ҳамда ОАВ ходимлари ўртасида қизгин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Умида
ХУДОЙБЕРГАНОВА

Тижорат банклари томонидан фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари

2019 йил 10 ойи давомида тижорат банклари томонидан 41 минг нафар жисмоний шахсларга 5,9 трлн. сўм миқдорида (ўтган йилнинг мос даврига (3,7 трлн. сўм) нисбатан 37 фоизга кўп ўсган) ипотека кредитлари ажратилган.




Мазкур давр мобайнида ажратилган ипотека кредитларининг энг юқори ўсиш кўрсаткичлари (1 178 млрд.сўм) Тошкент шаҳар, шунингдек, Тошкент вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Самарқанд вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ажратилган кредитларнинг камайиш тенденцияси эса, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Навоий ва Хоразм вилоятларида кузатилди.

Ажратилган ипотека кредитларининг 99,0 фоизи (5 848 млрд. сўм) бирламчи бозорга, 1,0 фоизи (61,0 млрд. сўм) иккиламчи бозорга йўналтирилган.



Ипотека кредитлар таркибида имтиёзли асосда йиллик 7-16 фоизларда ажратилган кредитлар улуши 82 фоизни, 17-20 фоизларда 14,1 фоизни, 20 дан юқори фоизларда ажратилган кредитлар улуши эса, 3,9 фоизни ташкил қилади.



(Бошланиши 1-саҳифада)

Музокараларда инвесторларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан банк соҳасида олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан йирик тижорат банкларининг капитализацияси ва кредитларни мазкур жамғармага ўтказиш борасидаги Ҳукумат стратегияси, Ўзбекистондаги банкларни хусусийлаштириш истиқболлари, халқаро облигация маблағларининг қайси лойиҳаларга йўналтирилиши, банкнинг бошқа ресурс базасини шакллантириш манбалари, Ўзсаноатқурилишбанкда трансформациядан кейин қўтилаётган активлар ҳолати, кредит сисмати, муаммоли активлар динамикаси тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, банкнинг трансформация жараёни (жумладан, хусусийлаштиришга тайёргарлик) ва унда

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИНИ КОРПОРАТИВ ЭМИТЕНТЛАР УЧУН ОЧИБ БЕРДИ

Халқаро молия корпорациясининг иштироки ҳамда корпоратив бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши йирик инвесторлар томонидан ижобий қабул қилинди.

Банкнинг бизнес модели тижорат фаолиятини янада мустаҳкамлашга ва босқичма-босқич хусусийлаштиришга қаратилаётгани туфайли, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ инвесторлар томонидан давлат банки эмас, тижорат банки сифатида қабул қилинди ҳамда Россиянинг “Московский кредитный банк” (5 йиллик 5,3%), Грузиянинг “TBC Bank” (5 йиллик 5,75% купон), Туркиянинг “Akbank” (5 йиллик 6%) каби банкларига таққосланди.

Жорий йилнинг 25 ноябрь куни инвесторларнинг таклифларига асосланган молиявий консультантларнинг тавсиясига кўра, банкнинг 5



йиллик халқаро облигациялари учун илк даромадлилик ставкаси 6,50% этиб белгиланди ва Лондон вақти билан соат 08:23да транзакция эълон қилинди. Буюртмалар ҳажми соат 10:00да 300 млн. АҚШ доллари (транзакция тўлиқ қопланди) ва 12:10да 800 млн. АҚШ доллари (транзакция 2,5 баробар тўлиқ қопланди) ташкил этди.

Лондон вақти билан соат

12:25да облигацияларнинг даромадлилик ставкаси 0,125%га пасайтирилди ва янги ставка 6,375% эълон қилинди. Мазкур стратегия инвесторларга маъқул келди ва 13:05га келиб буюртмалар ҳажми 1 млрд. АҚШ долларидан ошди. Соат 14:00да буюртмалар китоби 1,2 млрд. АҚШ доллари билан, яъни транзакцияни 4 баробардан юқори қоплаган ҳолда ёпилди.

Талабнинг юқорилиги натижасида молиявий консультантлар даромадлилик ставкасини 6%га туширишга муваффақ бўлишди. Транзакция Лондон вақти билан соат 17:00да 5,75% купон ставкаси билан якунланди.

Мазкур транзакция Ўзбекистон тарихида илк бора “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан чиқарилган корпоратив халқаро облигациялар бошқа тижорат банклари ва корхоналар учун “бенчмарк” бўлиб хизмат қилади.

Дунё бозори сари ташланган мазкур дадил қадамнинг халқаро инвесторлар томонидан ижобий қабул қилингани дунё ҳамжамияти томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотларга берилган яна бир юксак баҳодир.

Эъзоза КАМОЛОВА



“АГРОБАНК”ДАН ЯНГИ “ОНЛАЙН КРЕДИТ”

(Бошланиши 1-саҳифада)

“Агробанк” АТБ ҳам бу борада янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариб, аҳолига тақдим этиб келмоқда. Бироз аввал, банк мамлакатимизда биринчилардан бўлиб жисмоний шахслар учун “Онлайн кредит” кредит турини таклиф қилган эди.

Шу кунга қадар банк томонидан юридик шахслар учун ҳам бир қанча янги банк хизмат турлари жорий этилди. Жумладан, “Agrobankmobile-biznes” мобиль иловаси орқали юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар ўларининг ҳисобрақамларидаги маблағларни тасарруф этиш (бошқариш), товар ва хизматлар учун тўловларни ўтказиш, вақт ва транспорт харажатларини тежарган ҳолда банкка тўлов ҳужжатларини юбориш, исталган муддат учун ҳисоб-рақамлардан кўчирмалар олиш ва турли ҳисоботларни шакллантириш ва бошқа имкониятлар яратилди. Айни дамда ушбу иловодан фойдаланаётганлар сони 50 мингдан ошди.

Банк тизимида “Хумо” миллий тўлов тизими ҳам фаол ишлаб турибди. Фермер ҳўжаликларида пахта ва ғалла етиштириш учун зарур минерал ўғит ва ёқилғи тўловларни таъминотчи корхоналарга “Хумо” миллий тўлов тизими асосида ишлаб чиқилган махсус корпоратив банк кредит карталаридан ўтказиш жорий этилган. Бугунги кунда банк томонидан 119 минг донадан ортиқ махсус карталар фермер ҳўжаликларида тарқатилди.

Шунингдек, банкда тадбиркорлик субъектлари учун айланма маблағларни тўлдирishга тақдим этиладиган – овердрафт кредитлари жорий этилди.

Экспортёр корхоналар учун нақд пулда экспорт ва экспорт олди молиялаштириш учун кредит олиш имконияти яратилди. Банк томонидан тадбиркорлик субъектларининг даромадларини оширишга ва бўш турган маблағларидан унумли фойдаланишга йўналтирилган юқори фоизли “Бизнес плюс” депозити ишлаб чиқилди.

Эндиликда банк томонидан яна бир маҳсулот – юридик шахслар учун мўлжалланган “Онлайн кредит” хизмат тури жорий этилди. Яқинда пойтахтимиздаги “Hyatt regency” меҳмонхонасида ушбу маҳсулотнинг тақдими ўтказилди.

– Энди банклар фаолиятида масофавий хизматлар даври келди. Онлайн тизимидаги хизматлар банк учун ҳам, мижозлар учун ҳам қатор қулайликлар яратди, – дейди Банк карталарига хизмат кўрсатиш департаменти директори Зафар Мамажонов. – Бунда ортиқча ҳужжатбозлиқдан кечилади, вақт тежалади, турли асаббузарликларнинг олди олинади.

Тадбиркорлик субъектлари “Онлайн кредит”дан “Agrobank mobile” мобил иловаси ҳамда “Интернет банкинг” тизими орқали, 2 хил усулда фойдаланиши мумкин. Ушбу хизмат турини мижоз қўлидаги гаджет орқали, яъни қўл телефони, планшет ёки ноутбук орқали амалга ошира олади.

Бу кредит турини олувчи мижоз ҳисоб рақамидаги маблағларнинг 6 ойлик айланмасини 1 ойлик ўртача маблағида тақдим этади. Бунда мижознинг асосий ҳисобрақами “Агробанк”да очилган бўлиши лозим. Банк томонидан 50 млн. сўмгача кредит маблағи таъминотсиз тақдим этилади. 50 млн. сўмдан юқори бўлган кредит маблағлари учун эса, сугурта полиси талаб этилади.

Бунинг учун ҳам мижоз банкка келиб, сугурта полисини тақдим этиши шарт эмас. Фақатгина мижоз банкинг “Агробанк мобайл бизнес” иловаси ёки “Интернет банкинг” тизими орқали ўзига қулай бўлган сугурта компаниясини танласа қифоя. Янги кредит туридан фойдаланувчи субъект барча функцияларни онлайн тарзида амалга оширади. Жорий йилда бу хизмат туридан 5000 нафар тадбиркорлик субъекти фойдаланиши мумкин. Онлайн тизимидаги маҳсулот куннинг исталган вақтида мижозга хизмат қилади. Янги маҳсулот жорий йилнинг 25 ноябридан муомалага чиқарилади.

Банкнинг рақобатбардошлигини ошириш, мижозларга қатор қулайликлар яратиш мақсадида “Агробанк” АТБ қатор халқаро молия институтлари ва банкларнинг хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2018 йилда 2 та чет эл банкидан 30 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилинган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 8 та хорижий банклар, яъни Германиянинг Landesbank Baden-Württemberg, “Commerzbank” ва “AKA” банклари, Швейцариянинг “Credit Suisse”, Туркиянинг “Ziraat Bankasi”, Хитойнинг “Эксим” банки, Венгриянинг “Эксим” банки билан умумий ҳисобда 355 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини жалб этиш бўйича келишувларга эришилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан тадбиркорларнинг инвестиция лойиҳалари молиялаштирилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Агробанк” АТБ банк-молия бозорида барқарор ривожланиш учун барча имкониятларини ишга солмоқда.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ “SYMBIOTICS” ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ “ИПАК ЙЎЛИ” БАНКИ УЧУН ОБЛИГАЦИЯЛАР ЧИҚАРДИ

Жорий йилнинг 18 ноябр куни Швейцариянинг “Symbiotics” инвестиция компанияси “Ипак Йўли” банкига ўзбек сўмида тақдим этиладиган 10 миллион АҚШ доллари миқдорида янги кредит линиясини ажратди.

Аҳамиятлиси шуки, “Symbiotics” ушбу йўналиш учун маблағларни жалб қилиш йўлида Люксембург фонд биржасида сўмга деноминация қилинган махсус облигацияларини чиқарган. “Ипак Йўли” АИТБни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида облигацияларнинг чиқарилиши, хорижий портфель инвесторлари ва фондларининг Ўзбекистон бозорига қизиқишини кучайтиради ва мамлакатдаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қўшимча манбаларни жалб қилишда кўмак бўлди.

Мамлакат хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистон иқтисодиётидаги унинг улушини ошириш учун жалб қилинган кредит линияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга мўлжалланган.

Маълумот учун қайд этиш жоизки, “Symbiotics” компанияси 2004-йилда Женевада рўйхатдан ўтган бўлиб, ривожланаётган давлатлар учун бозорни тадқиқ қилиш, инвестициялар бўйича маслаҳатлар ва активларни бошқариш соҳаларида хизматларни таклиф этадиган инвестиция компаниясидир. 2005 йилдан бери “Symbiotics” 3,5 миллиард АҚШ долларида кўпроқ инвестиция қилди ва ҳозирда 70 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатларда фаолият юрғутади.

finance.uz

ОНЛАЙН НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИ ВА ВИРТУАЛ КАССА ТИЗИМИНИНГ ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАРИ БОР?

2019 йилнинг 23 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг "Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 943-сонли қарори қабул қилинди.

Маъмур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини қўлайлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5813-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Қарор билан ҳисоб-китобларнинг шаффофлигини янада ошириш, нақд пул маблағларининг хуфийна айланишини қисқартириш орқали бюджет даромадлариға қўшимча манбаларни жалб этишга хизмат қилувчи янги замонавий автоматлаштирилган тизим яратилиши кўзда тутилмоқда.

Онлайн назорат-касса машиналари (HKM) ва виртуал кассани қўллаш тизими савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада эркинлаштириш, ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ушбу соҳадаги пул айланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга ёрдам беради.

Қандай афзалликлари мавжуд?

Вазирлар Маҳкамасининг 943-сонли қарори билан тадбиркорлик субъектлариға бир қанча қўлайликлар яратилмоқда. Хусусан:

- 2021 йил 1 январгача тадбиркорлик субъектлари ҳар бир онлайн назорат-касса машиналарини харид қилиш, ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар суммаларини (базавий ҳисоблаш 10 бараваридан ошмаган миқдорда) кейинги солиқ тўлови ҳисобидан камайтириш ҳуқуқи берилади.

- тадбиркорлик субъектлариға виртуал касса дастурий маҳсулотининг базавий қисми Давлат солиқ қўмитаси томонидан bepul берилади.

- онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланилганда тадбиркорлик субъектларидан фискал хотирали назорат касса машиналарини ишлатиш мажбурияти бекор қилинади;

- кунлик ўртача нақд пул тушуми миқдоридан қатъи назар нақд пулни банк кассалариға инкассация хизматлари орқали ўзлари белгиланган даврлар-

да ёки мустақил равишда топшириш ҳуқуқиға эга бўлади;

- кассир-операциячи томонидан назорат-касса дафтариини юритиш бекор қилинади;

- иш куни охирида ҳар бир назорат-касса машинаси бўйича кунлик ҳисоботни (Z-отчёт) чиқариб олиш мажбуриятлари бекор қилинади;

- реализация қилинган товарлар (хизматлар) ҳисоб-китоблари тўғрисидаги маълумотлар, электрон тарзда қўриш имконияти яратилади.

Қандай олинади?

Тадбиркорлик субъектлариға Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақат Давлат реестриға киритилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассадан фойдаланишга рухсат берилади.

Тадбиркорлик субъектлари давлат реестриға киритилган исталган турдаги онлайн назорат касса машинаси ёки виртуал кассаларни мустақил сотиб олиши ҳамда исталган техник хизмат кўрсатиш марказлари орқали рўйхатдан ўтказиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш учун:

- онлайн назорат касса машинаси ёки виртуал кассаларни рўйхатга олиш учун ариза;

- тургун савдо (хизмат кўрсатиш) шахобча мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

- техник хизмат кўрсатиш маркази билан тузилган шартнома нусхаси;

- шахобча манзилининг харитадаги координатаси маълумотлари тақдим этилиши лозим.

Ҳар доим онлайн

Тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган онлайн назорат касса машиналари ёки виртуал кассалар орқали аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида, уларға чекларнинг берилишини, шунингдек онлайн назорат-касса машинаси ёки виртуал кассаларни доимий ишлаши учун интернет тармоғи билан таъминлаши зарур. Интернет тармоғидаги узилиш ҳолатлари бўлган тақдирда, онлайн назорат касса машинаси ва виртуал кассалар 24 соат мобайнида офлайн режимда ишлаши мумкин.

Тадбиркорлик субъектларини

фискал модул билан таъминлаш ва оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тадбиркорлик субъектлари томонидан йилда бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан операторға (Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги "Янги технологиялар" илмий-ахборот маркази) тўлов амалга оширади.

Ютуқли ўйинлар ва онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтиш муҳдатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5813 сонли Фармониға асосан онлайн назорат касса машинаси ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган (ҳозирча фақат) Тошкент шаҳридаги тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган чеклардаги QR-код белгиси асосида ютуқли ўйинлар ташкил этилади.

Нақд пул тушумиға эга бўлган тадбиркорлик субъектларини онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга бошқичма-бошқич ўтказиш графитиға асосан:

1. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, дори-дармон, автомобилларға бензин, дизель ёқилғиси ва газ ёқилғиси савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари — 2020 йил 1 январдан.

2. Ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) беш миллиард сўмдан ошган тадбиркорлик субъектлари — 2020 йил 1 августдан;

3. Ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) юз миллион сўмдан ошган ёки йил давомида ушбу чегаравий миқдорға етган тадбиркорлик субъектлари — 2021 йил 1 январдан;

4. Қолган барча тадбиркорлик субъектлари — 2022 йил 1 январдан онлайн назорат-касса машинаси ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813 сонли Фармониға асосан алоҳида, ҳар йили етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктларининг рўйхати тасдиқланади. Маъмур рўйхатға киритилган олис, етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлариға нисбатан юқорида келтирилган, онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтиш графити татбиқ этилмайди.

**Давлат солиқ қўмитаси
Матбуот хизмати**

Жорий йилнинг 18-24 ноябрь кунларида "ЎЗРТХБ" АЖ барча савдо платформаларида 910,0 млрд. сўмлик битимлар тузилди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 1,3% га ўсиб 410,5 млрд. сўмни ташкил этди.

**БИР ҲАФТАДА 4,5
МЛРД. СЎМЛИК
АВТОРАҚАМЛАР
СОТИЛДИ**



Шу жумладан биржа савдоларининг ҳажми аввалги ҳафтаға нисбатан 7% га камайиб, 756,1 млрд. сўмни ташкил этди. Валюта савдо майдончаси орқали сотилган товарларнинг қиймати 2,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Экспортнинг таркибида пироллизли газолин улуши 53%, пахта толасининг улуши 31%, полимер маҳсулотлари 13% ва бошқа маҳсулотлар улуши 3% ни эгаллади.

Кўргазма-ярмарка савдоларининг ҳафталик ҳажми икки маротабадан кўпга ошган бўлиб 53,5 млрд. сўмни ташкил қилди, кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган харидлар эса 20,1 млрд. сўмни ёки тузилган битимларнинг 37,5% ни ташкил этди.

Ўтган ҳафтада давлат харидлари бўйича xahid.uz махсус ахборот порталида тузилган битимларнинг ҳажми 12,4% га ўсиб 95,9 млрд. сўмга тенг бўлди. Бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг пул маблағини тежалиши 20,8 млрд. сўмдан ошди.

Қўриб чиқиётган давр мобайнида онлайн аукцион орқали 972 та автомобиль рақамлари сотилди. Сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси қарийб 4,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 19,4% биринчи тоифадаги авторакамларға, 48,1% иккинчи ва 32,4% учинчи тоифа авторакамларға тегишлидир.

finance.uz

9 ОЙДА 319,8 МЛН.СЎМ СОФ ФОЙДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Кафолат суғурта компанияси" АЖ фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3317-сонли Қарори асосида бевосита ҳаётни суғурта қилиш билан шуғулланувчи "Kafolat hayot" MCHJ SK ташкил этилган бўлиб, 2019 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Компанияға ихтиёрий ва мажбурий суғурта билан шуғулланиши учун SF00251-сонли лицензия берилди. Бугунги кунда Компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали, барча вилоят филиаллари ҳамда Тошкент шаҳар филиали ташкил қилинган.

Маъмур лицензия асосида Компанияда "Ҳаёт"ни узоқ муддатта суғурта қилиш (рента), Ҳаёт ва аннуитетлар (накопитель), Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, Бахтсиз ҳодисалардан оилавий суғурталаш, Чет элга чиқувчиларни суғурталаш, Мигрантларни суғурталаш турлари бўйича иш фаолиятини олиб бормоқда.

Булардан ташқари Компаниянинг устав капитали ягона таъсисчи маблағи ҳисобига,

ҳисобот даврида 15 220,0 млн. сўмға оширилди. Латвия Республикасининг "INTER assist" асстанс ташкилоти билан шартнома имзолаш орқали чет элга чиқувчилар ҳаётини суғурталаш йўлга қўйилди. Шунингдек, "Ҳаёт" суғуртасида мажбурий суғуртани амалга оширишға лицензия олишға эришилди.

Ҳисобот даврида 17,9 млрд. сўм суғурта муқофотлари таъминлаб Компания бюджети бўйича таъминланиши прог-

ноз қилинган 17,6 млрд.сўмға нисбатан режа кўрсаткичи 101,5% таъминланди. Суғурта заҳираларининг ўзгариши 4,8 млрд.сўмни ташкил қилиб, бизнес режаға нисбатан 34,2%ға, суғурта товларининг ҳажми 11,3 млрд. сўм ёки 216,7%ға, ишлаб чиқариш харажатлари 331,5 млн. сўм ёки 58,9%ға, давр харажатлари 2,5 млрд.сўм ёки 78,7%ға, Инвестиция портфели 18,9 млрд. сўм ёки 105,2%ға, Инвестиция фаолиятдан ва бошқа соҳа-

лардан олинган даромадлар 1,5 млрд.сўмни ташкил қилган ҳолда 67,2%ға ва ҳисобот даврида режалаштирилган 3,3 млрд.сўм ўрниға 319,8 млн. сўм соф фойда олишға эришилди.

Ҳисобот даврида тузилган суғурта шартномалари сони 1 467 донани ташкил этиб, хусусан, ҳаётни узоқ муддатта суғурталаш бўйича 745 та ёки 51%, бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш тури бўйича 578 та ёки 39%, Чет элга чиқувчиларнинг ҳаётини суғурта қилиш ва Мигрантларни суғурта қилиш суғурта тури бўйича 144 та ёки 10%ни ташкил қилди.

Шунингдек жорий йилнинг 9 ойи давомида 48,7 млрд. сўмлик суғурта мажбуриятлари олинди. Булардан ташқари суғурталанган объектлар

бўйича олинган жавобгарлик доирасида ҳаётни узоқ муддатта суғурталаш суғурта туридан 563 шартнома бўйича 11,3 млрд.сўм суғурта товлари амалга оширилди. Бу эса таъминланган суғурта муқофотининг 63,5% ташкил қилди.

"Kafolat Hayot" MCHJ SK томонидан жорий йилнинг 4-чорагида ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда янги инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш режалаштирилган бўлиб, хусусан, ҳаёт суғуртасининг янги турларини, бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурта қилишға ҳамда чет элга чиқувчи фуқароларни суғурта қилишға инновациялар киришти ва оғир касалликлардан суғурта қилиш турини ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда.


finance.uz

ТАҲЛИЛ

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига Марказий банк томонидан ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатимизда аҳолининг қарз юки кўрсаткичи (кредит тўловларининг даромадга нисбати) 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 5,3 фоиз бандга ошганлигини кўрсатди.

Ушбу таҳлил доирасида аҳолига ажратилган кредитлар бўйича жами 150 мингдан ортиқ шартномалар кўриб чиқилганда, ушбу шартномаларнинг 35,3 фоизиди, шу жумладан автокредит шартномаларининг 67 фоизиди, микроқарз шартномаларининг 37 фоизиди ва истеъмолат кредити шартномаларининг 25 фоизиди қарз юки тавсиявий меъёрдан (50 фоиз) юқори эканлигини кўрсатди.

Халқаро амалиётда аҳолининг қарз юки ошишини олдини олиш мақсадида ҳукумат томонидан ушбу масалани доимий равишда таҳлил қилиш ва зарур макропродуценциал чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Аҳолининг қарз юки ҳаддан ташқари ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июль ПҚ-4400-сонли "Микромолиявий хизматлар оммабонлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан ушбу масала борасида халқаро амалиётдан фойдаланилган ҳолда "Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат

этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисида"ги низом лойиҳаси ишлаб чиқилди ва муҳокама учун Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жойлаштирилди (ID-8499).

Аҳолининг қарз юки ҳаддан ташқари ошиб кетишининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган ислохотларнинг дастлабки босқичи сифатида қарз юкини ҳисоблаш тартиби даставвал банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан ажратила-

диган микроқарзлар ва ломбардлар томонидан ажратиладиган кредитлар учун жорий этилмоқда.

Низом лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўплаб билдирилган таклифларни инobatга олиб, ушбу низом лойиҳаси қайта кўриб чиқилиб, тегишли ўзгаришлар киритилди.

Хусусан, қарз юки кўрсаткичи ҳар бир қарз олувчига қарз берувчи томонидан кредит (микроқарз) ажратишда унинг суммаси ва қарз олувчининг амалдаги кредит (микроқарз) шартномалари бўйича асосий қарз қолдиғи йиғиндиси 10 миллион сўмга тенг ва ундан ошганда ҳисобланиши белгиланмоқда.

Қарз юкининг энг юқори кўрсаткичи эса 50 фоизгача оширилди.

Қайд этиш лозимки, мазкур ўзгаришлар қарз юкини ҳаддан ташқари ошиб кетишининг олдини олиш билан бирга аҳолининг кенг қатламлари учун кредит олиш имкониятини чегараламайди.

finance.uz

88 294 НАФАР ИШСIZ АЁЛНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

"Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Хукумат қарори қабул қилинди (919-сон, 20.11.2019 й.).



Қарорга кўра, Президентнинг 5 та муҳим ташаббуси доирасида хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштирилади.

Шунга кўра, қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

– 2019 йилда ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури;

– 2019 йилда Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва ўз маблағлари ҳисобидан тадбиркорлигини ташкил этадиган хотин-қизларнинг туман (шаҳар) кесимидаги асосий параметрлари.

Қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, жорий йилда ҳудудий инвестиция дастурлари доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали жами 88 минг 294 нафар ишсиз хотин-қизларнинг бандлиги таъминланади.

Шунингдек, Хотин-қизлар кўмиталарининг тавсияномаси асосида 3 минг 112 нафар хотин-қизларга 85 млрд. 500 млн. сўмлик кредитлар ажратилишига кўмаклашиш ҳам назарда тутилган.

"Миллий кадрият, аяна ва урф-одат" республика хунаридан хотин-қизларнинг кўргазмаси ташкил этилади.

Ҳар йилги "Бизнес юритиш" ҳисоботида Ўзбекистон позициясини яхшилаш бўйича навбатдаги "йўл харитаси" қабул қилинди. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон жорий рейтингда 69-ўринни эгаллайди, энг яхши ислохотчи мамлакатлар қаторида "топ-20"га кирган.

ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА "DOING BUSINESS"ДА ЧИҚИШ

Шунга қарамай, амалдорлар ва маҳаллий ҳокимиятлар хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиши лозимлиги яна бир бор таъкидланди. Масалан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқишга бўлган таққини олайлик. Бундай масалаларни илгари суриш – хусусий мулк дахлсизлигининг бузилиши ҳисобланади, бу ишлар кўриб чиқишга қабул қилинмайди, мазкур таққини бузган мансабдор шахслар жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилади.

Мамлакатда бизнес юритиш муҳитини ривожлантириш, яхшилаш ва либераллаштиришга оид бир неча тадбирлар назарда тутилган.

Биринчидан, 2020 йил 1 январдан қуйидагилар тўхтатилади:

тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулк олди-сотиш шартномаларини тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланганда коммунал хизматлар бўйича қарздорликларни текшириб олиш;

солиқ органларига солиқ тўловчилар томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг аризани ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотни қозғ кўринишда тақдим этиш;

мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундириш.

Иккинчидан, 2020 йил 1 февралдан: экспорт-импорт операцияларини

амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатлар "Ягона дарча" божхона ахборот тизими орқали расмийлаштирилади, ваколатли органларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ушбу тизимга интеграция қилинади;

санитария-эпидемиология ва ветеринария, фитосанитария ва экологик назорат ўтказиш учун ундирилган тўловлар миқдори ваколатли органнинг мазкур ҳужжатни бериш учун қилган харажатлари доирасида Молия вазирлиги томонидан келишилган ҳолда белгиланади;

юридик шахслар томонидан давво аризаси ва унинг иловаларини жавобгар ҳамда иқтисодий судга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юбориш мумкин.

Учинчидан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб қуввати 140 кВт гача бўлган электр ускуналарини электр тармоқларига тадбиркорлик субъектларининг хоҳишига кўра, давлат хизматлари марказларига техник шартларни олиш учун мурожаат қилиш билан бир вақтда берилган сўровномасига асосан "Худудий электр тармоқлари" АЖ маблағлари ҳисобидан уланади. Харажатлар тадбиркорлик субъектлари фойдаланган электр энергияси қийматида қўшилидиган устамалар ҳисобидан 1 йил давомида ундириб олинади.

Мамлакатда "қурилиш учун рухсатномалар бериш", "электр таъминоти тизимига улаиш", "кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш" ҳамда "кредит бериш ва тўловга қобилиятсизлиқни ҳал этиш" индикаторлари бўйича аввалги паст бўлган кўрсаткичларни кўтариш учун соҳа идораларида ишчи гуруҳлар тузилган. Бошқа давлат тузилмаларига ҳам бир қатор вазифалар топширилган.

БАНК ҚАРЗ ОЛУВЧИНING СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНИ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИНИ ЧЕКЛАМАЙДИ



Банк хизматлари истеъмоличлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйилган минимал талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди (рўйхат рақами 3030-3, 22.11.2019 й.).

Киритилган ўзгаришларга кўра, эндиликда, банк қарз олувчининг ва (ёки) гаровга қўювчининг суғурта компанияси ва (ёки) баҳоловчини танлаш ҳуқуқини чекламайди.

Шунингдек, банк қарз олувчи томонидан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича:

– гаровда турган мулкни таққидан чиқариш;

– гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўриши шартлиги белгиланди.

“Туронбанк” АТБ кредити янги “Melek” бренди яратилишига асос бўлди

Кефир, ряженка, йогурт, қаймоқ, сметана, творог ва пишлоқ сингари сигир сутидан тайёрланган маҳсулотларни барчамиз севиб истеъмол қиламиз. Сабаби, уларнинг таркибида оқсил, ёғ, углевод, витаминлар, гормонлар, ферментлар, камёб аминокислоталар, кальций ва фосфор каби 200 хилдан зиёд ҳимояловчи органик ҳамда минерал моддалар бор.



Турган гапки, бу элементлар инсон организмидagi моддалар алмашинув жараёнида қатнашиб, қон ивувчанлигини яхшилайдиган ва марказий асаб тизими фаолиятида муҳим ўрин тутadi. Бугун юртимизда шу сингари сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони йилдан – йилга кўпайиб, таклиф этилаётган товарларнинг тури ва хили ошиб бормоқда.

“Туронбанк” АТБнинг 7,1 млн. АҚШ долларлик молиявий кўмаги билан ўз бизнесини кенгайтирган “Diyora Fayz Gulshani” масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир. Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган завод 5,2 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, катта саноат ҳудудини ташкил этади. Молия муассасаси томонидан тақдим этилган кредит эвазига корхона ишлаб чиқариш жараёнига Туркия ва Хитой давлатларининг сутни қайта ишлаш ва соғиш, уларни сақлаш ҳамда биогаз ишлаб чиқариш каби замонавий технологияларни жалб қилди ва Германия мамлакатидан 800 бош қорамол олиб келди. Ҳозирги кунда 1000 бошдан ортиқ насли қорамоллар Европа стандартларига мос равишда боқилмоқда. Натижада, 50 хилдаги юқори сифатли сут ва сут маҳсулотлари, ун маҳсулотлари ҳамда кунгабоқар ёғи экологик тоза хомашёлар асосида ишлаб чиқарила бошланди. Заводнинг қуввати эса, соатига 10 тонна сутни қайта ишлаш, йилига 23 – 24 тонна пишлоқ, 19 – 20 тонна сут маҳсулотлари, 60 – 70 тонна сарёғ тайёрлашга етди.

Туркиянинг “Most” фирмаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг тўлиқ авто-

матлаштирилганлиги эса сут соғиб олиш жараёнларини тоза амалга ошириш имконини берди. Шунингдек, уларни филтёрлаш ва музлаткичларда сақлаш ҳам замонавий ускуналар орқали бажарилмоқда. Аҳамиятли жиҳати, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берувчи бундай насли қорамол боқиш тизими Ўзбекистонда ягонадир.

Бундан ташқари, заводда кальций тузига бой, юқори қийматли озуқа маҳсулоти ҳисобланмиш “Gauda”, “Mozarella”, “Labne” сингари қаттиқ ва юмшоқ навли пишлоқларни ишлаб чиқарувчи цех ҳам ишга туширилган. Ундаги юқори сифатли маҳсулотлар эса Италия, Швейцария, Франция, Германия каби йирик пишлоқ тайёрловчи компанияларниқидан ҳеч ҳам қолишмайди.

– Юртбошимиз томонидан бизнесни ривожлантириш учун яратилаётган шароитлар, ҳар қандай ишбилармонга шижоат бағишламоқда. Биз ҳам шу қулайликлардан фойдаланган ҳолда халқимиз учун сифатли бўлган сут маҳсулотларини тақдим этишга қарор қилдик. Лойиҳамиз кўп тармоқли бўлгани учун катта қувватда ишловчи заводни қуришга киришдик ва бунда бизга “Туронбанк” АТБнинг молиявий кўмаги жуда қўл келди. Яъни, бугун аҳолимиз севиб истеъмол қилаётган “Melek” бренди остидаги сут ва сут маҳсулотлари, ун ҳамда кунгабоқардан ўсимлик ёғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун энг замонавий ускуналар



ва зотли қорамолларни харид қилдик. Натижада, тез фурсатда ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 200 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Айни пайт 50 хил маҳсулотлар мавжуд бўлса, яқин йилларда уларнинг сонини 70 тага етказиш режалаштирилипти, – деди “Diyora Fayz Gulshani” МЧЖ таъсисчиси Рустам Ҳасанов.

– Биз Ўзбекистонлик шерикларимизнинг таклифини зўр қизиқиш билан қабул қилдик ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ҳамкорликни бошлаб юбордик. Завод қурилиши муваффақиятли якунланганидан кейин Туркиядаги брендлардан махсус ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Айтишим керак, “Melek” бренди остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таъми ва сифати билан жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнига эга бўла олади. Ҳа, яна шуни қўшимча қилиш лозим, биз Ўзбекистон иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда айрон тайёрлашни ҳам бошладик. Бизнинг мақсадимиз одамлар дастурхонига табиий, экологик хавфсиз бўлган маҳсулот етказишдир, – деди Туркиялик технолог Акиф Меҳмет.

Асосий мақсад ҳам аслида шу эди. Қўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаб, ҳамкорликда импорт ўрнини босувчи, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни ташкил этиш. Бу жараёнларда эса “Туронбанк” АТБ фаол қатнашиб, ўз бизнес режаларини амалга ошириш ниятида бўлган ташаббускорларни ҳам ҳуқуқий, ҳам молиявий қўллаб – қувватлаб келмоқда.

Халқ банки пенсионерлар учун ажойиб имконият тақдим этмоқда. Эндиликда, пенсия олувчилар пенсия картаси очиб, ўз пенсияларини ойнинг бошида олиши мумкин.

ХАЛҚ БАНКИДАН АЖОЙИБ ЯНГИЛИКЛАР

Карта очиб бепул, 5 йил муддатга берилади. Мазкур картага эгаси пенсияни ойнинг 27-санасигача кутиб ўтирмайди. Пул картага ой бошидаёқ тушади ва миқдор ўз маблағини Халқ банкининг исталган филиали ёки банкомати орқали фойсиз нақдлаштириб олиши мумкин.

Шунингдек, картада пул тугаб қолса, Халқ банки миқдорга захира маблағ беради (овердрафт кредити). Уни пенсия тушгунча ишлатиб туриш мумкин.

Овердрафт кредити пенсиянинг ярмига (50 фойизи) тенг миқдорда ва энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан ошмаган ҳолда 12 ойга тақдим этилади. Бу пул ойига атиги 1,33 фойиз миқдорида қайтариб олинади.

Бундан ташқари, агар пластик картада пул жамғариб боришни истасангиз, Халқ банки жамғарилган суммага йилига 4 фойиз маблағ қўшиб беради.

Шу билан бирга Халқ банки ўз миқдорларига юқори хавфсизлик тизимига эга замонавий ва қулай “Кобейдж” карталарини таклиф қилади.

Ушбу картага ойлик иш ҳақи ҳамда исталганча миллий валютадаги маблағларни кириш қилиш мумкин. Энди хорижий валютадаги бошқа карталарни очиш зарурати ҳам йўқ. Чунки ушбу картадан хорижий давлатда тўловни амалга ошириш ва банкоматлардан нақд валюта маблағини ечиш мумкин. Бунда картадаги маблағингиз автоматик тарзда чет эл валютасига конвертация қилинади.

Шунингдек, мазкур карта орқали интернет дўконларидан харидларни амалга ошириш, меҳмонхона, авиачипта ва бошқа хизматларни брон қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Қисқаси, дунёнинг 170 дан ортиқ давлатларида ушбу карта ёрдамида турли харидларни амалга ошириш ёки банкоматлардан нақд валюта маблағларини ечиб олиш энди мумкин эмас.

СТАТИСТИКА

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” РАҚАМЛАРДА

2019 йил 1 ноябр ҳолатига банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари:

Банкнинг соф активлари 12 052,0 млрд. сўмга етди.
Банкнинг жами капитали 1 414,7 млрд. сўмга етди.
Банкнинг кредит портфели 10 733,5 млрд. сўмга етди.
Кичик бизнес субъектларига 2891,7 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Кичик бизнес субъектларига 462,4 млрд. сўм миқдорида микрокредит ажратилди.

Тадбиркор аёлларга 304,8 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Банкдаги омонатлар қолдиғи 617,5 млрд. сўмга етди.

Банкдаги омонат турлари 13 тани ташкил этмоқда.

Банк тизимидаги омонатчилар сони 107 051 тага етди.

Банк тизимидаги терминаллар сони 21 973 тага етди.

Банк тизимида пластик карточкалардан фойдаланувчи миқдорлар сони 717 546 тадан ортди.

“Интернет-банкнинг” фойдаланувчилари сони 4148 нафардан ортди.

“СМС-банкнинг”дан фойдаланувчилар сони 99 367 тадан ортди.

“Мобил-банкнинг”дан фойдаланувчилар сони 20 819 тадан ортди.

Банк миқдорлари сони 887 572 нафарни ташкил қилди.

Банк инфратузилмалари сони 279 тага етди.

Филиаллар сони 42 тани ташкил этади.

Халқаро пул ўтказмалари шахобчалари сони 42 тага етди.

Мини-банклар сони 43 тага етди.

Махсус кассалар сони 48 тага етди.

Жамғарма кассалар сони 41 тани ташкил этди.

Коммунал кассалар сони 2 тага етди.

Сайёр кассалар сони 9 тадан иборат.

Валюта айирбошлаш шахобчалари сони 52 тани ташкил этди.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи инфокиосклар ва банкоматлар сони 352 тани ташкил этади.



Реклама ўрнида

“Ўзмилийбанк”нинг Наманган бўлими вилоятда амалга оширилган йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни муваффақиятли молиялаштириб, ҳудуднинг ҳар томонлама тараққий этишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб баробарида аҳолига намунали банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Бунинг учун бўлим томонидан хизмат кўрсатиш сифатини замонавий талаблар доирасида ташкил этиш мақсадида банк бўлимининг мижозларга хизмат кўрсатиш заллари қайта таъмирдан чиқарилди ва энг сўнгги русумдаги техникалар билан жиҳозланди.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида аҳоли зич жойлашган ҳудудларда замонавий талабларга жавоб берадиган “Банк хизматлари кўрсатиш марказлари”нинг ташкил қилиниши маҳаллий аҳолига банк хизматларидан кенг фойдаланишга имкон яратди.

Айниқса, банк томонидан хорижий кредит линиялардан унумли фойдаланган ҳолда улкан лойиҳаларни амалга ошириб келаётганини эътироф этиш даркор. Хусусан, жорий йил давомида банк бўлими хорижий кредит линиялар ҳисобидан 9 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратди.

Бундан ташқари, банк бўлими томонидан ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялашда ҳам хорижий линиялардан унумли фойдаланилмоқда. Хусусан, “ATLANT TOWELS” МЧЖ ҳам ана шундай имкониятлардан фойдалан-



ЮРТ РИВОЖИГА КАМАРБАСТА БАНК

ган ҳолда Наманган вилояти, Уйчи туманида, 1 гектардан ортиқ майдонда тўқув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхона бунёд этди. Хитой Давлат Тараққиёт банкнинг 987,3 минг АҚШ долларилек кредит линияси ҳисобига эса, замонавий дастгоҳларни олиб келиб ўрнатди. Айни дамда корхонада 200 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, йилига 4800 дона сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида жойлашган, пахта толасидан йиғирилган калава ип ва сочиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган комплекс учун “Ўзмилийбанк” томонидан Хитой Эксимбанк маблағлари орқали 2 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит

ажратилган. Мазкур комплексни ишга тушириш ишлари III босқичда амалга оширилмоқда.

Биринчи босқичда, олинган кредит маблағи ҳисобига, “Оқтош текстил” МЧЖ томонидан ХХР да ишлаб чиқариладиган тўқиш комплекси дастгоҳлари харид қилиниб, 400 та янги иш ўрни яратилди. Шулардан 220 нафари касб-хунар коллеж битирувчиларидир. Корхона йилига 2,0 минг тонна ёки 10,0 млн. АҚШ доллари тенг тайёр момиқ сочиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиб, 90 фоизлик ёки йилига 9,0 млн. АҚШ долларилек маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи учун, банк томонидан Германиянинг АКА банки маблағлари орқали 200 минг

Евро миқдорида кредитлар ажратилди. Мазкур маблағ ҳисобига Италиядан ITEM R9500 TERRY русумли тўқув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилади. Бу юртма қилинган техникалар йилига, 2000 тоннага яқин момиқ сочиқларни ишлаб чиқариш қувватига эга. Иккинчи босқичда, корхонада 500 га яқин янги иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, банк томонидан яна бир қатор истиқболли лойиҳалар ҳам молиялаштирилди.

Жумладан, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки линияси маблағлари орқали “Сафо само савдо сервис” МЧЖнинг музлаткичи омборхона қуриш лойиҳаси учун 200 минг АҚШ доллари ажратилган бўлса, “Агро экспорт савдо” МЧЖнинг дуккакли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ускунасини сотиб олиш учун 135,50 минг АҚШ доллари миқдорида кредит берилди. Ундан ташқари, “Наманган резина пласт” шўъба корхонасининг метал форма (қолип) ишлаб чиқариш лойиҳасига Кореянинг “Эксимбанк”и маблағлари ҳисобидан 932,25 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, “Ўзмилийбанк”нинг вилоят бўлими ва унинг филиаллари орқали жорий йил давомида юридик шахсларга турли йўналишлар бўйича миллий валютада жами 287,50 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиб, уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Рустам Пўлатов тайёрлади

ФИЛИАЛ ЎН ОЙДА 208,6 МЛРД. СЎМДАН ОРТИҚ КРЕДИТ АЖРАТДИ

“Микрокредитбанк” аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида имтиёзли ва тижорат кредитлари миқдори йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда. Жумладан, банкнинг Қашқадарё вилоят минтақавий филиали томонидан 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳамда аҳоли хонадонларини тадбиркорликка жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун вилоятда жами 9 543 та мижозга 208,6 млрд сўмдан ортиқ имтиёзли ва тижорат кредитлари ажратилди.

Шундан, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш мақсадида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 3 406 та мижозга 48,8 млрд сўм, хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш дастурлари доирасида 108 та 1,8 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар ҳудудларда чорвачилик, иссиқхоналар ташкил этиш, тикувчилик, балиқчилик, асаларичилик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа янги соҳаларни ташкил этишга ҳамда ривожлантиришга йўналтирилди.

Жумладан, Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида Шаҳрисабз шаҳрида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 60 дан ортиқ аҳоли хонадонларида миллий услубдаги “Уй меҳмонхоналари”ни ташкил этиш учун 1,5 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди. Мазкур меҳмонхоналар Шаҳрисабз шаҳрига келаётган хорижий меҳмонларга қулайлик яратиш билан бирга-



лиқда, уларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шаҳарга ташриф буюраётган ҳар бир меҳмон ўзбек хонадонидида меҳмон бўлиши айниқса, шарқона услубда безатилган хонадонларда истиқомат қилиши доимий равишда катта меҳмонхоналарда юрган сайёҳлар учун катта янгилик бўлди. Қолаверса, бу шаҳарнинг ташриф қоғозига айланиб бормоқда.

Шунингдек, амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгайтирилмоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиклик ошиб бормоқда. Жумладан, Интернет банк, СМС банк, Мобиль банк каби хизмат тур-

лари жорий этилиб, мижозлар ушбу хизматлардан фойдаланган ҳолда ўз ҳисоб varaгидидаги маблағларни банкка келмасдан туриб масофадан бошқаришмоқда.

2019 йилда банк томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида хорижий кредит линиялари ҳисобидан 16 та лойиҳага 1 746,8 минг АҚШ доллари (16,5 млрд сўм) миқдоридаги кредитлар қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ажратилди. Жумладан, Қарши шаҳрида жойлашган Косон филиали мижози бўлган “Шомурод ота” фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 100,0 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит маблағи

ажратилган бўлиб, фермер хўжалиги Украина давлатидан 57 дона насли зотдор қорамолларни олиб келиб кўпайтирмоқда. Ушбу лойиҳа асосида 5 та янги иш ўринлари яратилиб, аҳолига ва ички бозорга арзон нархдаги сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бормоқда.

Шунингдек, Қарши шаҳрида жойлашган “Диагностик Сентер Ҳабиба ая” масъулияти чекланган жамиятига аҳолига тиббий хизматларни кўрсатиш мақсадида “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди”нинг компенсация хизматида фойдаланган ҳолда 450,0 млн сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган. Ушбу лойиҳага асосан, ҳудудда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш ва кўрсатиладиган хизмат турларини бугунги кун талаби даражасига кўтариш, тиббий хизматларнинг янги ва кўп қиррали турларини таклиф этиш, хизмат сифатини яхшилашни корхона ўз олдида мақсад қилиб олган ва ушбу фаолиятни амалга оширмоқда.

Банк кредитлари ҳисобига ўзининг истиқболли лойиҳасини амалга ошираётган Косон туманидаги “Косон ривож текстил” оилавий корхонаси ҳам банк филиалидан 150,0 млн сўм миқдоридаги кредит олиб, ушбу кредитга Корея республикасида ишлаб чиқарилган 19 та тикув дастгоҳларини олиб келиб ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳа асосида 24 нафар хотин-қиз иш билан таъминланиб, корхона томонидан ички бозор учун арзон ва сифатли

кийим-кечак маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Шунингдек, корхона тумандаги йирик ташкилотлар, ҳарбий қисмлар учун ҳам махсус кийимлар етказиб бормоқда.

Қарши Амалиёт бўлими мижози “Ясен сервис” масъулияти чекланган жамиятига хорижий валютадаги ИФД кредит линиясидан ажратилган 248 704 АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига ташкил қилинган Қарши шаҳридаги “Сут тилари” (“Молочный домик”) лойиҳаси шу йилнинг сентябрь ойидан тўлиқ ишга туширилди. Бунда Қарши шаҳри аҳолисига арзон ва сифатли бўлган сут маҳсулотларни етказиб бериш лойиҳаси амалга оширилди. МЧЖ томонидан ҳудудларда 21 та “Сут уйлари” ташкил қилиниб, 19 хил турдаги сут маҳсулотлари истеъмолга етказиб берилди ва 30 дан ортиқ аҳоли иш билан таъминланди. Келгусида ушбу лойиҳани кенгайтириш режалаштирилган. Бундай лойиҳалар аҳолига қулайлик яратиш билан биргалиқда, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулот билан тўлдириш, аҳолини иш билан банд қилишга ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшмоқда.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, “Микрокредитбанк”нинг Қашқадарё вилоят филиали юқорида айтиб ўтилган ислохотлар ва бошқа шу каби саъй-ҳаракатлар билан қишлоқ хўжалиги ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳаларининг ривожига ҳисса қўшиб келмоқда.

Банк Ахборот хизмати

ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИ –

Мамлакатимизда сўнгги йилларда Президентимиз ҳамда ҳукумат томонидан аввало иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизациялаш ва истиқболда мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимизнинг инвестициявий салоҳиятини кенгайтиришга йўналтирилаётган сиёсат юритилаётгани барчага маълум. Ушбу ислохотлар натижасида бугунги кунда халқаро ва миллий рейтинг агентликлари ўзаро рақобатлашган ҳолда эмас, балки аксинча бир-бири билан ҳамкорлик қилиш орқали фаолият юритиб келмоқда. Бу эса республикамизнинг халқаро миқёсдаги обрўси, имижига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис миллий ва халқаро рейтинг агентлиги ўртасидаги фарқни ажратиб олиш ҳамда борган сари миллий молия-банк ташкилотлари халқаро рейтинг билан бир қаторда миллий рейтинг баҳоларига эга бўлишни маъқул кўраётганлигининг асл моҳияти ҳақида маълумот беришнинг жоиз билдик.

Тахририйат шу мавзу
бўйича "STANDARD AND
SENSETIVE RATINGS"
Рейтинг агентлиги
бош директори Наиль
ГАЙНУЛЛИНнинг фикри
билан қизиқдик.

– Ушбу масалага тўхталишдан аввал мавзуга алоқадор айрим тушунчалар бўйича маълумот бериб ўтиш лозим.

Халқаро кредит рейтинги — қардорнинг кредитбардошлиғи, унинг муайян молиявий мажбуриятларни бажара олишга қодирлиғи ва тайёрлигини акс эттиради. Глобал ёки халқаро қисий маълумотларга асосан тайёрланади. Ўз ичига ҳукуматнинг номақбул ҳаракатлари ҳамда мамлакатнинг жойлашуви билан боғлиқ таваккалчиликларни ҳам қамраб олади. Шунингдек, мажбурият юклатилган валютага оид таваккалчилик ҳам ўрганилади.

Миллий кредит рейтингига ҳам қардорнинг кредитбардошлиги, унинг муайян молиявий мажбуриятларни бажара олишга қодирлиги ва тайёрлигини акс эттиради. Ўзига хослиги шундаки, кўрсаткичлар бошқа компанияларнинг айнан шундай кўрсаткичлари билан ҳамда мамлакатда белгиланган муайян мажбуриятлар билан солиштирилади. Миллий кредит рейтингини натижалари бошқа мамлакатларники билан солиштирилмайди. Одатда миллий шкала бўйича энг юқори кредит рейтингини ушбу мамлакат ҳукумати кўлга киради.

Хорижий валютадаги кредит рейтинги – қарздорнинг ўз зиммасидаги хорижий валютадаги молиявий мажбуриятларини бажара олишга қозилганини акс эттиради (фойз тўловлари, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар, қарзнинг асосий қисмининг қопланиши, суғурта зарарлари мувофиқлаштириш ва контрагент мажбуриятларнинг адо этилиши сингари мажбуриятлар шулар жумласидандир). Хулосалар мамлакат ҳамда иқтисодий омил билан боғлиқ таваккалчиликларни ўз ичига олувчи индивидуал кредит хусусиятларига асосан тайёрланади. Шунингдек, рейтингни тўзилаётган ташкилот



зиммасидаги мажбуриятлар-
ни ўз вақтида бажара олиши
учун ўша мамлакатда хорижий
валютани қўлга кирита олиши-
га ҳукумат томонидан амал-
га ошириладиган ҳаракатлар
ҳамда пул айирбошлаш ва
ўтказмалар билан боғлиқ та-
ваккалчиликлар ҳам ҳисобга
олинади.

Миллий валютадаги кредит рейтинги — қарздорнинг миллий валютата олинган қарзини қоллашига етарли даражада манбаси мавжудлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади. Ҳукумат томонидан тўғридан-тўғри аралашishiга оид таваккалчилик инобатга олинмайди. Таҳлил жараёнида иқтисодий таваккалчилик қисобга олинади, қарздор фаолият юритаётган молиявий ва иқтисодий шароитларга ҳукумат сиёсатининг таъсири ўрганилади. Натижаларга айирбошлаш қурсидаги ўзгаришлар, инфляция, меҳнат бозоридagi имкониятлар, солиқ сиёсати, фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик ва инфратузилмага оид омиллар таъсир кўрсатади.

Рейтинг агентлигининг мақомидан қатиби назар яна бир муҳим ҳиҷат шундаки ҳар қандай рейтинг агентлигининг вазифаси бир қатор йўналишларни ўз ичига олади. Биринчидан, инвесторларни муҳофаза этиш даражасини юксалтириш, иқтисодиёт ва молция бозорида аҳборотларнинг шаффофлигини ошириш, шунингдек мувофиқлаштирувчи ташиқлот ва инвесторларни активларнинг сифатига оид ҳолис баҳо билан таъминлаш агентликларининг муҳим вазифаларидан саналади.

Иккинчидан, маҳаллий молия ва рейтинг хизматлари бозоридида шаффоф ва рақобатбардош муҳит шаклланишига кўмак бериш, миллий рейтинг агентликларини ривожлантириш жараёнида иштирок эттиш, истеъмолчиларни сифатли рейтинг хизматлари билан таъминлаш агентликларининг асосий мақсади ҳисобланади. Учинчидан, ҳолис баҳоланишда корхона, компания ва худудларнинг фаворитида экологик, энергетик

ва иқтисодий самарадорлик омиллари изчил ўрганилади. Туртинчидан, бошқарув ҳамда жамиятнинг барча соҳаларида сифатли маслаҳат хизматлари ривожлантиришга ҳисса қўшиш агентлик фаолиятининг муҳим қисмидир.

Мамлакатимиз иқтисоди-
ётининг динамик ва барқарор
ривожланиши узоқ истиқболда
рейтинг фаолиятини тараққий
эттиришга, унинг эмитент
(рейтинг таркибидаги корхо-
на ёки муассаса) фаолияти
шаффофлиги ва очиклигини

таъминлашда самарали ва замонавий восита сифатида хизмат қилишига ҳамда инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга кенг йўл очиб бермоқда. Бундан ташқари, рейтинг баҳосининг мавжудлиги эмитентга ўз қимматли қоғозларини кенгроқ миқёсдаги инвесторларга тақдир этиш, фоиз ставкаларини тушириш, шунингдек қарздорни машхур қилиш ва унинг ҳурматини ошириш имкониятини беради. Рейтинг туфайли инвесторлар пул маблағлари қўйилмаларига тегишли имкониятдан фойдаланишда мустақил фикрга эга бўла олади, тавakkалчилик улушини камайтириш, тавakkалчилик-даромадлилик бўйича қимматли қоғозларни солиштириш имконига эга бўлади. Айни вақтда агентлик қарздорнинг нафақат рейтингга эга бўлган пайтдаги, балки ҳамкорлик ўрнатилган ишланган вақтдаги тўловчанлик қобилиятини кузата олади. Шу боис инвесторлар ўз қўйилмаларининг ишончли қўлларда эканлигига оид маълумотдан реал вақт режимида хабардор бўлиб туради.

Бугунги кунда дунё бўйича тахминан 112 та халқаро ва миллий рейтинг агентликлари ишлаб турибди. Улар орасида энг таниқли ва ҳурмат қозonganлари – Moody's Investors Service (Moody's), Standard & Poor's (S&P) ва Fitch Ratings(Fitch)лар ҳисобланади. Уларнинг ҳисоби-га жaҳон бўйича халқаро рейтинглашнинг қарийб 90 фоизи тўғри келади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда учта халқаро рейтинг

агентлиги фаолият юрताди. Улар — “Moody’s”, “S&P” и “Fitch” халқаро агентликларидир. “Standardand Sensitive Ratings”(SNSRATINGS) ва “Ahor-Reyting” номи билан иш юртути миллий рейтинг агентликлари ҳам бор.

Шу ўринда истиқболли инвестор ва эмитентларда манتيкий савол туғилади. Хўш, халқаро ва миллий рейтинг агентлиги фаолияти қандай жиҳатлари билан бир-биридан ажралиб туради?

Фаолиятдаги тафовут. Халқаро рейтинг агентлиги рейтинглаштириш бўйича ўзини хос катта тажриба ва маънафақага эга. Бироқ мутахассис сифатида таъкидлашим мумкин, ички бозорда ҳамкорлар билан ишлаш учун Миллий рейтинг агентликлари мизнинг бугун тақдим этаётган рейтинглари нисбатан мақбул ва қулай ахборот сифатида тан олинмоқда. Рейтинг тажрибасини кўрсатаётганидек, бугунги кунда Миллий агентликлари тақдим этаётган рейтинг кўрсаткичларидан фойдаланаётганлар, булар аввало, маҳаллий инвесторлар бўлиб, улар учун ишбилармонлик айланманинг миллий тажрибасини ҳисоби муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни бир вақтда халқаро рейтинг агентликлари фойдаланувчилари – хорижий инвесторлар бўлиб, улар корхона фаолиятини бутун дунёда белгиланган меъёрдун асосида баҳолашда ўзига хос тажрибага эга агентликларнинг маълумотларига таяиб қилишади. Шу ўринда қўшимча қилишим керак, “SNSRATINGS” Миллий рейтинг агентлигининг асосий маҳсулоти – миллий шкала бўйича кредит рейтинги, бу халқаро рейтингларнинг мутлақ ўрнини босмайди, балки қўшимча маълумот беради.

Миллий рейтинг агентлиги фойдаасида хизмат қилувчи яна бир маълумотга тўхталиш лозим. Бизнинг мутахассислар халқаро рейтинг агентлигида камдан кам учрайдиган бир амалиётни қўллашда, яъни улар рейтинг ўзлаштирилгач, унга мувофиқ келиш ёки келинмаётганини муттасил кузатиб боради. Шунингдек, Миллий агентликлар рейтинг тузишдан ташқари кенг миқёсдаги ахборот-таҳлилий хизматларни тақдим этади, яъни ўзлар ишлаётган мамлакатнинг молия бозорида самарали инфратузилмани ташкил этишга доир мақсад сари ҳаракат қилади. Ҳаққаро рейтинг агентликларининг аксариятида эса асосий мақсад муайян маҳсулот савдосини қучайтиришга ҳисса қўшишдан иборат. Глобал агентликлар миллий бозорларга эмас, балки халқаро бозорга кўпроқ эътибор қаратишга жоиз деб билади. Миллий рейтинг агентликлари эса, аксинча, муайян бозорнинг ўзига хослигини чуқурроқ ҳис

қилади, бу эса эса уларнинг баҳоси самарадорлиги ошишига сабаб бўлади.

Бирок энг муҳим бир жиҳати шундаки, Миллий агентликлари ўз мамлакатидagi бизнесни ривожлантириш мақсадида қарзли мажбуриятлар миллий бозорини тараққий эттиришдан принципал жиҳатдан манфаатдор саналади ва бу улар баҳосининг ҳолисиги ва сифатлигини кафолатлайди.

Бундан ташқари, халқаро молиявий институтлар томонидан ўтказилган мамлакатлараро эмпирик тадқиқотлар натижасига кўра, миллий рейтинг агентликлари кўп жиҳатдан ички микроитисодий таваккалчилик омилларини инобатга олиши, халқаро агентликлар эса, макроитисодий таваккалчиликларни ўрганиши аниқланган. Миллий рейтинг агентликлари рейтинг қилинаётган ташилот капитали таркибида давлат мулкнинг мавжудлигини барқарорлиқни кучайтирувчи омил сифатида эътироф этса, халқаро рейтинг агентликлари буни салбий омил сифатида баҳолайди.

Қолаверса, Миллий рейтинг агентликлари асосан молиявий хисобдорликнинг ички меъёрларига асосланган ҳолда тайёрланган хисоботларда тақдим этилган маълумотларга таянадиган бўлса, халқаро агентликлар эса молиявий хисоботнинг халқаро меъёрлари ҳамда бошқа манбалардан келиб тушадиган маълумотларга асосланади. Қоидага кўра, халқаро ва миллий рейтинг агентликлари томонидан ўзлаштирилаётган рейтинглар ўртасида тафовут учраб туради, айниқса бундай ҳолат ривожланмаган ва (ёки) чуқурлашмаган қарзли бозорга эга мамлакатларда активларида кўпроқ кузатилади.

Таъкидлашим лозим, миллий рейтинг агентликларининг рейтинг тузиш нархи мақбул-лиги бўйича сезиларли илдам-лаб кетган: халқаро рейтинг агентликлари одатда рейтинг-ни 50 АҚШ долларидан то 100 минг АҚШ долларигача бўлган нархда тузса, миллий агент-ликларда бу кўрсаткич 3 АҚШ долларидан 30 минг АҚШ дол-ларигачани ташкил этади.

**Халқаро ва миллий агент-
ликларидаги рейтинг шкала-
ларидаги фарқ.**

Шубхасиз халқаро ва миллий рейтинг шкалалари ўрасида принципиал фарқ учрайди. Шу муносабат билан айтиш лозим, халқаро рейтинг шкаласи рейтинг агентликлари томонидан ўзлаштирилган кредит рейтингларини халқаро даражада солиштириш имконини беради. Айни пайтда компания фаолият юри-таётган ва унинг мулклари, бизнеси, mijozlari ва asosiy aktivlari joylashgan davlatning suveren reytingi dаражasi ham hisobga olinadi.

ҲАМКОРЛАРМИ ЁКИ РАҚОБАТЧИ?

Ўз навбатида, Миллий рейтинг шкаласи фақатгина давлатнинг ички тегишли кредит рейтинг агентлиги томонидан ўзлаштирилган кредит рейтингларини солиштириш имконини беради. Бунда дефолт (таваккалчилик даражаси) эҳтимоли иқтисодийдаги энг юқори даражадаги кредитбардошлилик билан қиёсланади. Шу ўринда Ҳукумат мажбуриятлари ва улар асосида юзага келадиган ҳосилалар ҳисобга олинади.

Шу билан бирга, фикримча, Миллий рейтинг шкаласи бугунги кунда Халқаро рейтинг шкаласидан фарқли ўлароқ рейтинг қилинаётган объектининг кредитбардошлилигини ошириш учун кўпроқ имконият тақдим этиб келмоқда, боиси миллий шкала мазкур бозордаги барча ташкилотларда учрайдиган айрим суверен ва бошқа тизимли таваккалчиликларни бутунлай чиқариб юборади. Шу боис бугунги кунда Миллий шкала бўйича тузилган рейтинглар айнан маҳаллий молия бозорида рейтинг қилинаётган объектининг ўрнини аниқроқ белгилаб беришни қайд этиш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатдаги у ёки бу сиёсий вазият ва жорий суверен рейтингдаги ўзгаришларга қарамай (Халқаро шкала бўйича тузилган рейтингдан фарқли равишда) Миллий шкала бўйича берилган баҳо ўзгаришсиз қолади. Бошқача айтганда, у ёки бу сабаб туфайли мамлакатнинг рейтингни пасайган тақдирда Халқаро рейтинг агентликлари одатда "домино" самараси тамойили асосида деярли автоматик равишда муассасага халқаро агентлик томонидан берилган баҳони тушириб қўяди.

"SNSRATINGS" рейтинг агентлиги томонидан ишлаб чиқилган Миллий шкала бўйича рейтинглаштириш услубияти ўз ичига халқаро тажриба ва энг синалган амалиётларни мужассам этган, бироқ айни пайтда бу услубият молиявий мутахассислар томонидан миллий ташкилотларнинг ўзига хос жиҳатлари ва мамлакатимизда бизнес юритиш амалиёти инобатга олинганлиги билан хорижликдан бироз фарқланади.

Қўшимча сифатида айта олам, рейтинг бериладиган объектлар учун "SNSRATINGS" РАнинг Миллий рейтинг шкаласи халқаро рейтинг шкаласига нисбатан кўпроқ рейтинг даражасига эгалиги ва барча даражалар деталлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Масалан, Халқаро рейтинг шкаласи бўйича маҳаллий компаниялар 12 та даража бўйича рейтинг натижага эга бўлиши мумкин бўлса, "SNSRATINGS" РА томонидан эса 20 та даражали (дефолтга оид даражани ҳисобга олмаганда) маълумот жамланади.

Ўзбекистонда Халқаро ва Миллий рейтинг шкалалари бўйича мувофиқлик жадвали

Халқаро рейтинг шкалалари			Миллий рейтинг шкалалари	
Fitch	S&P	Moody's	"SNS Ratings" PA	Бошқа рейтинг агентликлари
Инвестициявий синфларнинг рейтинглари				
AAA	AAA	Aaa		
AA+	AA+	Aa1		
AA	AA	Aa2		
AA-	AA-	Aa3		
A+	A+	A1		
A	A	A2		
A-	A-	A3		
BBB+	BBB+	Baa1		
BBB	BBB	Baa2		
BBB-	BBB-	Baa3	(uz) AAA+	
BB+	BB+	Ba1	(uz) AAA	
Спекулятив синфнинг рейтинглари				
BB	BB	Ba2	(uz) AA+	uz A++
BB-	BB-	Ba3	(uz) AA	uz A+
			(uz) AA-	
B	B	B1	(uz) A+	uz A
			(uz) A	
			(uz) A-	
B+	B+	B2	(uz) BBB+	uz B++
CCC	CCC+	B3	(uz) BBB	
			(uz) BBB -	
CC	CCC	Caa1	(uz) BB+	uz B+
			(uz) BB	
		Caa2	(uz) BB-	
			(uz) B+	uz B
		Ca1	(uz) B	
		Ca2	(uz) B-	
			(uz) CCC	uz C++
			(uz) CC	uz C+
			(uz) C	uz C
			(uz) D	uz D

Жадвалдан кўриниб турганидек, Халқаро ва Миллий рейтинг шкалаларининг Умумий тамойиллари бўйича деярли фарқланмайди, сабаби "SNSRATINGS" РА мутахассислари томонидан миллий рейтинг шкалалари ишлаб чиқилаётган пайтда халқаро рейтинг тажрибаси ҳисобга олинган, бироқ ички бозорда тўпланган тажриба асосида қўядиган махсус ишланмалар ҳам акс эттирилган.

"SNSRATINGS" рейтинг агентлиги Миллий рейтинг шкаласи ва рейтингни ўзлаштириш услубияти билан Миллий рейтинг шкаласи ўртасида сезиларли даражадаги тафовут мавжуд. Амалда мавжуд услубиятдаги баҳоланишнинг мезонлари кредит рейтингининг аниқлик ва мақбуллик омилига боғланган. Мазкур кўрсаткич, қоидада кўра, валидлашнинг ҳолис услубларини қўллаган ҳолда ўтмишдаги маълумотларга ҳамда айни пайтдаги статистик кўрсаткичларга асосланиб баҳоланади (масалан, дефолтлар бўйича статистик маълумотлар, барқарорлик кўрсаткичлари ва ҳоказо.) Бошқа сўз билан айтганда, ҳар қандай янги рейтинг услубияти ва ҳар қандай янги рейтинг шкаласининг яшовчанлик даражаси, аввало тажриба асосида текширилади. Қолаверса, ишончли

статистик маълумотлар жамланиши ва бозор қаерга қараб ҳаракатланаётганини билиш учун ҳар қандай янги Услубият икки-уй йил давомида ишлатиб кўрилиши лозим.

Илк бора маҳаллий рейтинг амалиётида икки инвестициявий рейтинг даражаси киритилди.

"SNSRATINGS" РА Миллий рейтинг шкаласи, ўз навбатида кредит рейтингини ўзлаштириш Услубияти ҳақида сўз борганда бир томондан улар Халқаро рейтинг агентлигидаги муқобил тизим билан ўхшашлигини таъкидлаш мумкин бўлса, бошқа томондан бугунги кунда бошқа миллий рейтинг агентликлари қўлайдиган тизимдан фарқлиниши ҳам айтишим лозим.

"SNSRATINGS" агентлиги томонидан рейтинг тизими ишлаб чиқилаётганида Basel -2 Basel-3 халқаро меъёрларида акс эттирилган омиллар инобатга олинди. Бу эса, ўз навбатида, ҳозирги пайтда кўп қиррали қарз молиявий воситаларни меъёрлаштириш, инвестициявий портфелни бошқаришда таваккалчиликни баҳоланишнинг мақбул тизимини яратишга бўлган эҳтиёж охири бораётгани билан боғлиқ. Айнан мазкур эҳтиёж, фикримизча, кредит рейтингларини қаноатлантиришга ундайди.

Ахир рейтинглар бу – ахборотлар асимметриялашувидек муаммони ҳал этишнинг самарали ва қулай усуллари билан саналади. Бундан ташқари, кредит рейтингни оммавий жамланган ахборотни ўз ичига олади. Шуни инобатга олиб, "SNSRATINGS" агентлиги миллий рейтинг шкаласида 20 та рейтинг даражани татбиқ этган ва бу даражалар рейтинг қилинаётган объектларни нисбатан адолатли баҳолашга хизмат қилади.

Шунингдек, "SNSRATINGS" рейтинг агентлиги маҳаллий рейтинг тажрибасида илк марта янги рейтинг шкаласида иккита янги инвестициявий даража киритилишига эришди. Бу эса, шубҳасиз, агентлик томонидан баҳоланаётган маҳаллий эмитентлар, ташкилот ва муассасаларни янада рағбатлантириши, руҳлантириши муқаррар. Шу билан бирга, кредит рейтингда иккита инвестициявий даражанинг жорий этилиши рейтинг агентлигининг услубиятида (бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда) рейтинг қилинаётган объектларнинг инвестициявий жозибадорлигига катта эътибор қаратилишдан далолатдир. Бу эса рейтингни тузилаётган корхонанинг имижини ошириш ва унинг инвестициявий даражаси янада юқори поғоналарга чиқишига хизмат қилади.

Россия банклари нима сабабдан евро ни кўп харид қилмоқда?

Россия банклари АҚШ долларининг ўрнига евро ни рекорд даражада кўп сотиб олмоқда. Россия Банки маълумотларига кўра, сентябрь ойда деярли 2 миллиард АҚШ долларини қийматига тенг евро валютасини харид қилган. Бу эса, доллар харидига нисбатан икки баробар кўп кўрсаткичдир.

Мутахассислар Россиянинг АҚШ долларидан босқичма-босқич воз кечиши ва асосий савдо ҳамкорлари билан ҳисоблашишда ундан фойдаланишни рад этаётганлик ҳолатлари учраётганини қайд этмоқда. Сўнгги йилларда россиялик компанияларнинг ташқи савдо битимларида Европанинг ягона валютаси улуши 4 фоиз ўсган бўлиб, январь-июнь ойларида бу кўрсаткич 21 фоизга етди. Айни пайтда Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо ҳамми Россия ташқи савдо айланмасининг 43,1 фоизига тенг бўлди.



Кўшимча қилиб айтиш мумкин, кредит муассасаларидан ташқари Россия Банки ўз захираларида, шунингдек молия вазирлиги фондларида ҳам евронинг улушини ошириб бормоқда. "Халқаро молиявий маркази" компанияси мутахассиси Владимир Рожанковскийнинг қайд этишича, банкларнинг бу ҳаракати Россия Банки ва молия вазирлиги фондлари захираларида евронинг улуши сезиларли даражада ортгани билан боғлиқ. 2018 йил якунига кўра, Россиянинг халқаро олтин ва валюта захирасида АҚШ миллий валютасининг улуши икки баробар қисқарган – 45,8 фоиздан 22,7 фоизга тушиб қолди. Айни пайтда евро улуши 21,7 фоиздан 31,7 фоизга етди. Бу маълумотлар Марказий банк томонидан келтирилди.

Тахлилчилар еврога бўлган талабнинг ортишига биржавий амалиётларда унинг жозибadorлиги даражаси ошганлигига ҳам боғлиқлигини таъкидламоқда. Brexit бўйича ҳаттарлар доирасида у сезиларли даражада арзонлашди ва банкирлар унинг долларга ва бошқа валюталарга нисбатан қиймати ошишини тахмин қилмоқда.

Россияликлар сентябрь ойда евро валютасини сотиб олиши ҳам салмоқли даражада ортди. МБ маълумотларига кўра август ойига нисбатан аҳоли томонидан харид қилинган евро валютасининг ҳажми қарийб икки баробар ўсган бўлиб, 497 миллион АҚШ долларига етди.

Биометрик маълумотлари киритилган омонатчилар учун фоиз ставкалари туширилиши мумкин

МБнинг мижозлар ссудаси бўйича мажбурий захира-ларга бўлган талаби пасайганидан сўнг шундай имконият юзага келди.



Россия Банки биометрик маълумотлар тақдим этилган тақдирда кредитлар бўйича ставкаларни тушириши мумкин, дейилади "Известия" нашрида. Кредит муассасала-

ри лояллик дастурига масофавий идентификацион маълумотларни киритиши мумкин. Бундай янгиликнинг жорий этилиши молиявий муассасаларга истиқболли омонатчиларни

текширишда таваккалчиликни камайтириш ва хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган вақтни қисқартириш имконини беради.

Айни пайтда мутахассислар фикрига кўра, биометрик маълумотни киритиш мижознинг ўзи учун ҳам қулай, ҳам хавфсиздир. Ҳозирча кредитлар бўйича фоиз ставкалари қанчалик туширилиши номаълум. Бироқ тахлилчилар тахминига кўра, чегирма 1 фоизга етиши мумкин. Бу технологияни жорий этишга ҳозирда 4 та ташкилот: "Промсвязьбанк", "Открытие", "Абсолют", "Ак Барс" ва "Хоум Кредит банк" сингари банклар розилик билдирмоқда.

"Ростелеком" берган маълумотга кўра, ҳозирги кунда Ягона биометрик тизимда 80 мингдан ортиқ бармоқ излари рўйхатга олинган.

ХВФ 2020 йил учун жаҳон ЯИМ нинг истиқболли кўрсаткичларини баҳолади

Савдо келишмовчиликлари туфайли глобал иқтисодиёт 700 миллиард АҚШ долларини йўқотиши мумкин. ХВФ раҳбари Кристалина Георгиеванинг фикрига кўра, бундай зарар айрим мамлакатларнинг протекционизми ва уларнинг савдо-иқтисодий зиддиятлари туфайли юзага келиши мумкин.

"2019 йилда жаҳон иқтисодиётининг ўсиши тахминан 3 фоизга етиши мумкин. Бу эса сўнгги ўн йилликдаги минимал ўсиш ҳисобланади. Савдо муносабатларидаги келишмовчиликлар халқаро майдонда мавҳумлиқни кучайтирмоқда. Глобал ЯИМдаги йўқотишлар, бизнинг ҳисобимизга кўра, 2020 йилга бориб 700 миллиард АҚШ долларини ташкил этади – бу эса сайёрамиздаги ялпи маҳсулотнинг 0,8 фоизига тенгдир", - деди Георгиева Пекин шаҳрида етакчи жаҳон ташкилотлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида.

ХВФ раҳбари шундай шароитларда кўп томонлама муносабатларни яхшилаш бўйича янги самарали услубларни ишлаб чиқиш лозимлигига алоҳида урғу берди. Гап иқлим ўзгаришларига қарши курашишдан тортиб молиявий ва фискал сиёсатни амалга оширишда ҳамжиҳатликни кучайтириш ҳақида бормоқда.

Сингапурда ҳар қандай турар-жой кўчмас мулк учун 20% солиқ

Вестифинансе.ру келтирилишича, хорижий мулк сотиб олувчилар юқори солиқларга қарамай, хавфсиз деб ҳисоблаган мулкларга сармоя киритишни афзал кўришади.

Айни дамда Сингапурдаги ҳар қандай турар-жой мулкдорларини сотиб олувчилар улкан солиқни, яъни 20 фоиз миқдорида тўлашлари керак.

Juwai.com маълумотларига кўра, Сингапурда Хитой инвестициялари 2019 йилнинг иккинчи чорагидан бери энг юқори кўрсаткичга эришди. Ушбу тенденция камиди 2020 йилларнинг ўрталарига қадар давом этади.

"Сингапур – бу минтақанинг хавфсиз бошланаси, ва ҳозирги бекарор сиёсий ва иқтисодий вазият хавфсизликка қўшимча харажатларни талаб қилади", деди Juwai.com ижрочи директори Жорж Чмиел.

Хитойнинг энг йирик онлайн кўчмас мулк бозори бўлган компания таъкидлашича, Сингапурда мулкка бўлган талабнинг ўсиши "аксинча Гонконгга юборилиши мумкин бўлган Хитой пуллари ёки диверсификацияланган оффшорни қидириш

учун йўналтирилган Гонконг пуллари билан боғлиқ".

Айни дамда Сингапурда 7.3 миллион доллар ёки ундан ортиқ қийматдаги квартиралар бор.

Шу билан бирга, "Коллиер Жеонг" журналининг маълумотларига кўра, Гонконгда сўнгги беш йил ичида қаттароқ мулк нархлари индекси 21,9% га, 2009 йилдан 2019 йилгача эса 83,5% га ошган. Бу Осиёдаги энг юқори кўрсаткич.

Сўнгги беш йил ичида Сингапурда квартира нархлари индексининг ўсиши атиги 2,5% ни 2009 ва 2019 йиллар оралиғида эса бу кўрсаткич 55,4% ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, экспертларнинг фикрича, хитойлик инвесторларнинг Сингапурдаги кўчмас мулкка бўлган қизиқиши нархларнинг кескин кўтарилишига олиб келмайди. Гонконгда хитойликларни кўпинча нархларни кўтаришда айблашади.

Европа Иттифоқи ЖСТни ислоҳ этиш йўллари излашда давом этмоқда

Европа Иттифоқи Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ни ислоҳ қилиш йўллари излашда давом этмоқда, ахир ташкилотда инқироз кучли. Декабрь ойда апелляция ташкилот ишининг тўхтаб қолиши ҳеч гап эмас, дейди савдо бўйича еврокомиссар Сесилия Мальмстрём.


"Биз ЖСТни қандай қилиб модернизация қилиш, кучайтириш ва ислоҳ қилишни кузатишда давом этамиз, сабаби ЖСТдаги инқироз апелляциявий ташкилотдаги вазиятга нисбатан кучлироқ", - деди у.

"Вести.Экономика" нашрида ёзилишича, октябрь ойининг ўрталарида ЖСТ АҚШга Европа Иттифоқидан импорт қилинадиган умумий ҳажми йилига 7,5 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулотларга нисбатан бож белгилашга рухсат берган эди. Октябрь ойи аввалларида ЖСТ масъуллари қўшимча бож белгиланадиган маҳсулотлар ҳажмини аниқлаб олди. Airbus субсидияси оқибатида Европа Иттифоқи томонидан АҚШга етказилган зарарни компенсация қилиш доирасида америкаликлар томони ЕИга нисбатан йиллик умумий қиймати 7,496 миллиард АҚШ долларидан ошмаган жавоб чоралари қўлланилиши мумкин.



Эндilikда ЖСТга нисбатан мазкур чораларнинг қўлланилиши ташкилот томонидан расман тасдиқланди.

"ЖСТ аъзолари АҚШнинг Европа Иттифоқига нисбатан савдо санкцияларини қўллашга оид аризасини маъқуллади, - дейди агентлик манбаси. - АҚШнинг илтимоси қаноатлантирилди. Бундан буён жавоб чоралари ЕИ ва унинг тўртта аъзо мамлакатлар – Франция, Германия, Испания ва Буюк Британияга нисбатан қўлланиладиган бўлди".



Супер компьютерларга эга ўн мамлакат

Vestifinance.ru нашрида ёзилишича, Top500.org вебсаҳифаси дунёнинг энг кучли супер компьютерлари рўйхатини эълон қилди. Top500.org маълумотларига кўра, жаҳон бўйича энг кучли 500 та компьютерларнинг умумий ишлаб чиқарувчанлиги доимо ўсиб боради ва уларнинг умумий кучи 1,65 эксафлопсга тенг.

Супер компьютерлар рўйхатидан ўрин эгаллаш учун унинг кучи 1,14 петафлопс ва ундан ортиқ бўлиши талаб этилади.

Россиянинг учта супер компьютерлари - SberCloud компаниясининг Christofari компютери, Москва давлат университетининг "Ломоносов-2" компютери ва "Росгидромет"нинг компютерлари - дунёнинг энг кучли компютерлари 500 талигига кирди.

1. ХИТОЙ

Супер компьютерлар сони 228 та. Хитой энг кучли компютерлари кўп мамлакатлар рўйхатида энг биринчи ўринда турибди. Бу мамлакатда 228 та энг кучли тизимлар мавжуд.

Sunway Taihu Light Хитойнинг Уси шаҳридаги Миллий марказда жойлашган супер компютердир. У ҳисоб амалларини 93,014 терафлопс тезликда бажара олади.

2. АҚШ

Супер компьютерлар сони 117 та. Top500 портали ахбороти-га кўра, дунёнинг энг кучли супер компютерлари Summit (148,600 терафлопс) тизимига тегишли. У АҚШдаги Оук Ридж номли Миллий тадқиқот лабораториясида жойлашган.

3. ЯПОНИЯ

Супер компьютерлар сони 29 та. Япониянинг энг кучли супер компютери - AI Bridging Cloud Infrastructure ҳисобланади. AI Bridging Cloud Infrastructure 19,88 петафлопсли қувватга эга.

2018 йил фойдаланишга топширилган компютер 1088 та серверлардан тўпланган бўлиб, уларнинг ичида иккитадан 20 ядроли процессорлар - Xeon Gold 6148 20C ва тўрт график карталар NVIDIA Tesla V100 SXM2 бор.

Ушбу мамлакатда 29 та кучли тизим мавжуд.

Япониянинг энг кучли супер компютери 19,88 петафлопсли ишлаб чиқариш қувватига эга.

2018 йилдан бошлаб фойдаланилаётган компютер 1088 та сервердан жамланган бўлиб, уларнинг ичида иккитадан 20 ядроли процессорлар ўрнатилган.

Жами 392 минг қурилмалар ишлатилган. AI Bridging Cloud

Infrastructure компютери "Илфор техника ва фан Миллий институти"да жойлашган.

4. ФРАНЦИЯ

Супер компьютерлар сони 18 та. Мамлакатда энг кучли супер компютер - PANGAEA III тизимига тегишли. 2019 йил 18 июнда IBM компанияси дунёнинг энг кучли компютерини ишлаб чиқарганини маълум қилганди. Pangea III номли тизими Total нефть корпорациясида ишга туширилган.

Total Pangea III ишлаши учун 1,5 МВт энергия керак, бу эса ундан аввалги русумга нисбатан уч баробар камдир. 1 петафлопс учун бошқаларга нисбатан 10 фоиз кам электр талаб этилади.

Total баёнотида кўра, янги тизим компания қурилмасининг ҳисоблаш қувватини 5 баробар, яъни 31,7 петафлопсга оширади. Бу эса тахминан 170 минг ноутбукнинг кучига тенгдир. Бундан ташқари, Pangea III 76 Пбайтгача бўлган маълумотларни ўзида сақлай олади.

5. ГЕРМАНИЯ

Супер компьютерлар сони 16 та. Мамлакатдаги энг кучли супер компютер - SuperMUC-NG бўлиб, жаҳон рейтингига 9-ўринга сазовор бўлган.

Айрим маълумотларга кўра, у 2018 йил сентябрдан бошлаб иш бошлаган.

Тизим 6480 та Lenovo Think System номли ҳисоб тармоқларидан иборат.

6. Голландия

Супер компьютерлар сони 15 та. Мазкур мамлакатда энг кучли супер компютер - NA5 бўлиб, жаҳон рейтингининг 298-ўринини эгаллаган.

7. Ирландия

Супер компьютерлар сони 14 та. Мамлакатдаги энг кучли супер компютер - IA4 - Lenovo C1040. Lenovo компанияси супер компютерлар бозорига етакчи компанияга айланиб улгурди.

Бугунги кунда ишлаб чиқарувчанлиги кучли тизимлар 500 талиги таркибига қирувчи 122 та тизимлар айнан мазкур компания

томонидан ишлаб чиқарилган. Бу эса глобал миқёсдаги 23,8 фоиз улуш деганидир.

8. БУЮК БРИТАНИЯ

Супер компьютерлар сони 11 та. Мамлакатдаги энг кучли компютер - Cray XC40.

Cray XC40 — Cray компаниясининг XC сериясидаги оммавий — муқобил турдаги компютер саналади ва бозорга 2014 йил сентябрь ойида тақдим этилган.

Жаҳон рейтингига 27-ўринни эгаллаган.

9. КАНАДА

Супер компьютерлар сони 9 та. Энг кучли компютер мамлакатда — Niagara ҳисобланади, ушбу компютер жаҳон рейтингининг 69-ўрнида.

Канададаги энг кучли тадқиқотчи супер компютер, Niagara, жуда катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш имкониятига эга бўлиб, бу эса сунъий ақл технологиялари билан ишлаш, иқлим ўзгариши тадқиқи этиш, моделлаштириш, астрофизика ва бошқа масалаларни ҳал этишга кўмак беради.

10. ИТАЛИЯ

Супер компьютерлар сони 5 та. Бу эса, жаҳондаги умумий ҳажмининг 1 фоизига тенгдир.

Мамлакатдаги энг кучли супер компютери — HPC4 бўлиб, Италиянинг йирик нефть ва газ компанияси Eni томонидан ишлаб чиқилган. Компания жаҳон рейтингининг 16-погонасини эгаллайди.

Унинг энг кучли қувватлиси — 18,6 PFLOPS га тенг бўлиб, асосий вазифаси сейсмик ҳолатни кузатишдир.

HPC4 Шимолий Италиядаги Феррера-Эрбоньоне шаҳрида жойлашган Eni Green Data Centerида ишлатилади.

Мазкур марказ экологияни асраш мақсадида минимал ҳажмда энергияни сарфлаш ва ундан фойдаланиш харажатларини тежашга мўлжалланган. Шундай қилиб, суюқ музлатиш тизими ўрнига ҳаво, асосан ташқи ҳаво билан совитиш тизимидан фойдаланилади. Бу эса, электр тежамкорлик тизимидан самарали фойдаланиш имконини беради.

ОГОҲЛИК

Ис газидан заҳарланганда биринчи ёрдам!

Тошкент шаҳри ҳудудидаги маҳаллаларда ва аҳоли турар жойларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинлар, газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши, фуқароларни ис газидан заҳарланиши ва бошқа фавқуллода вазиятларни олдини олиш борасидаги профилактик тадбирларни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4407-сон қарори ва Фавқуллода вазиятлар вазирлиги раҳбариятининг 2019 йил 23 октябрдаги топшириғи ҳамда 26 октябрь кундаги 29/2-1-2464-сонли кўрсатмалари асосида Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳудудида "Газтаъминот" АЖ, "Электр тармоқлари" АЖ ва бошқа дахлдор идоралар вакиллари билан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, ноҳус ҳолатларни олдини олиш мақсадида пойтахтимиз аҳолиси-га ис газидан заҳарланганда қандай биринчи ёрдам кўрсатилиши кераклигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Ис газ хонадонларимизда фойдаланиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, кўмир ва органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган газдир. Ис газ нафас йўллари ва нафас аъзоларига зарарли таъсир этади. Бундан ташқари марказий асаб тизимини шикастлайди.

Қуйдаги ҳолатларда ис газ ва табиий газ орқали фавқуллода вазиятлар келиб чиқиши мумкин:

- табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги;
- хонадонлар иситиш тизимларига табиий газнинг уланishiда меъёрий талабларга риоя этилмаслиги;
- табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаслиги;
- иситиш учун мўлжалланган печкалар ҳамда муриларнинг носоз ҳолати, уларнинг яхши тозаланмаганлиги ва бошқалар.
- Табиий газ йиғилган вазиятларда, зудлик билан қуйидагиларга амал этиш лозим:
- хонанинг ойна ва деразаларини очиб, шамоллатиш;
- хонадаги электр жиҳозларни ёқмаслик, ёниқ бўлса ўчирмаслик;
- газ жўмрақларини беркитиш;
- хонада бўлган инсонларни тоза ҳавога олиб чиқиш.

Газ оқими бекитишнинг иложи бўлма-са ёки ёрилган, синган ва тешилган жойлар аниқланса, газ таъминоти авария хизмати-га хабар беринг. "104" телефон рақамини теринг.

Табиий ва ис газлари билан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқуллода вазиятлар юз берса, заҳарланган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш зарур. "103" телефон рақами орқали "Тез тиббий ёрдам"га хабар беринг. Тиббий ходимлар етиб келгунга қадар кўрсатиладиган биринчи ёрдам:

- заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш;
- юзак нафас олишда ёки нафас олиш тўхтаб қолганда сунъий нафас бериш;
- агар бемор ҳушида бўлса, тананинг юқори қисмини қисиб турувчи кийимлардан бўшатиш;
- иссиқ кўк чой ичириш.

Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг, болаларингизни назоратсиз қолдирманг.

Азиз ватандошлар огоҳ бўлинг ҳаётингизни хавф остида қолдирманг! зеро...

"Сен тинч — Ватан тинч", дейди доно халқимиз.

Шерзод ИСЛАМОВ
сержант
Юнусобод тумани
ЁХБ кичик инспектори

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди Фонд реестри ҳисобида турувчи банклар рўйхатини эълон қилади.

1.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2.	"Асака" акциядорлик тижорат банки.
3.	"Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки.
4.	"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки.
5.	"Агробанк" акциядорлик тижорат банки.
6.	"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки.
7.	"Туронбанк" акциядорлик тижорат банки.
8.	"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки.
9.	Чет эл капитали иштирокидаги "Савдогар" акциядорлик тижорат банки.
10.	Акциядорлик тижорат "Алоқабанк".
11.	"Ипак йўли" акциядорлик инновация тижорат банки.
12.	Чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки.
13.	"Капиталбанк" акциядорлик тижорат банки.
14.	"ASIA ALLIANCE BANK" акциядорлик тижорат банки.
15.	"Ўзғроэксспортбанк" акциядорлик тижорат банки.
16.	"Пойтахт банк" акциядорлик жамияти.
17.	"Invest Finance Bank" акциядорлик тижорат банки.
18.	"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки.
19.	"Туркистон" хусусий акциядорлик тижорат банки.
20.	"Давр Банк" хусусий акциядорлик-тижорат банки.
21.	Хусусий акциядорлик-тижорат банки "Универсал банк".
22.	"Ravnaq-bank" хусусий акциядорлик-тижорат банки.
23.	"HI-TECH BANK" хусусий акциядорлик тижорат банки.
24.	"Orient Finans" хусусий акциядорлик тижорат банки.
25.	"Мадад Инвест Банк" хусусий акциядорлик тижорат банки.
26.	"ҚДБ Банк Ўзбекистон" акциядорлик жамияти.
27.	"Ziraat Bank Uzbekistan" акциядорлик жамияти.
28.	"Tenge Bank" акциядорлик тижорат банки.
29.	Эрон "Содерот" банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўба банки.

"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юқорида номлари келтирилган банклардаги фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, "БАНК АХБОРОТНОМАСИ" ВА "БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ"

ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетга обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, таҳририят манзилига юборишингиз мумкин.

"Ўзбекистон почтаси" ва "Матбуот тарқатувчи" агентлигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат таҳририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

"ЛИДЕР ПРЕСС" МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

"MATBUOT TONGI" МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (99-603-03-68)

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

"СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ" – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

"SURXON MATBUOT NASHRLARI" МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

"KALEON INFORM" МЧЖ – (71-267-18-94)

"ЛИДЕР ПРЕСС" МЧЖ – (71-244-33-63)

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (71-244-19-63)

"ТОШКЕНТ МАТБУОТ" – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

"ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ" – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти

"ФАЗО ИНФО" МЧЖ – (90-560-55-95)

"САЙЁР 2017" МЧЖ – (99-990-61-01)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича
муружаат учун

Тел.:

(998) 97 776 60 18

71 234 43 18

Факс:

(998) 71-234-43-18.

E-mail:

info@banknews.uz

ОБУНА
ИНДЕКСИ-102



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Директор
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош мухаррир

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош мухаррир ўринбосари
Умид ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун

Тел: 99897 776 60 18

71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги

ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,

23-уй e-mail: bankakhborotnomasi@mail.ru,

www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_akhborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: "Moliya yangiliklari agentligi"

МЧЖ

Газета таҳририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар такриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади.

Буюртма № г 1103

Адади 1710 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 27.11.2019 й.

1 2 3 4 5

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.